



Mustaqil gazeta

HURRIYAT


O'zingni angla!

Газетамизга
2009 йил учун
обуна
бошланди.
**Муштарийларимиз
сафида бўлинг!**
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * 2008-yil 29-oktabr, №46 (601) * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://www.hurriyat.uz

ЖИНОЯТ ЎЗ-ЎЗИДАН ОЧИЛМАЙДИ

Фирибгарликни сув қилиб ичиб юборган жиноятчилар ўз қилмишларини яшириш мақсадида сохта далиллардан ҳам фойдаланишини, улардан қолган изларни оддий кўз илғай олмаслигини ҳисобга олсак, вазиятни ойдинлаштириш қанчалик мураккаб эканлигини тушуниш мумкин. Боз устига жиноятчини топгандан кейин, айбини бўйнига қўйиш ҳам осон эмас.



⇒ 4-бет

МАТБУОТИМИЗ РАВНАҚИ: КИМ ҚАНДАЙ ФИКРДА?


Ўзбек матбуоти ҳадид боболаримиз давридан сўнг истиқлол йилларига қадар чўзилган катта танаффусдан сўнггина том маънодаги ривожланиш даврини бошлади. Бу даврда оммавий ахборот воситаларининг ҳар бири кучли рақобатга бардош бериш, зўрлардан зўр бўлиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.



⇒ 4-бет

ҲАЛОЛЛИККА НИМА ЕТСИН

Тани соғлиқ — туман бойлик! Бу — катта бахт. Бахтли турмушнинг асосий шартларидан бири, рўзғорга кирадиган ҳамма нарса ҳалол меҳнатдан топишган бўлиши керак экан. Ҳаромнинг касофати албатта, эгасига ёки фарзандларига уради.



⇒ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маданий кучайтириш мақсадида жорий йилнинг 22 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

■ 2008 йил 23 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов жорий йилнинг 22 октябрь кунини Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликларининг Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича вазири, “Дубай холдинг” компанияси раиси Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовийини қабул қилди.

■ Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан Нукус шаҳрида “Йод етишмаслиги касалликларни профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Қорақалпоғистон Республикасида бажарилишига бағишланган йилги ўтказилди. Унда шаҳар ва туман ҳокимларининг тегишли ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар ходимлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

■ Шу кунларда Францияда Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш француз ассоциациясининг 20 йиллиги нишонланмоқда. Ушбу сана муносабати билан Парижда Темурийлар ассоциацияси аъзолари, Франция вазирлик ва идоралари, ушбу мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари вакиллари иштирокидаги қатор маданий тадбирлар бўлиб ўтди.

Ўзимизнинг “ойнаи жаҳон”

“...Бугунги кунда ҳар қайси матбуот ходими касб маҳоратини эгаллаш билан бирга, ўз ҳаётини принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга интилиши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждон амри билан яшашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда...”

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” китобидан.

Бугун яна истиқлол ва унинг қадри, иноятлари ҳақида сўз айтмоққа жазм этдик. Фикрларни эса каминанинг ўзи бевосита ишлайдиган — телевидение мисолида, кунда-кунора кўришиб, чақ-чақлашиб турадиган ҳамкасбларимиз, даргоҳдошларимиз мулоҳазалари кўмағида айтмоқчиман. Тўғрироғи, истиқлол берган имкониятларга телевидение, унинг кечаги кунини, бугунини ва истиқболлари нуқтаи назаридан боқсак...

Тошкент — телевидение ватани, аммо...

5 ноябрь кунини ўзбек телевидениесининг илк бор эфирга чиққан кунига роппана 52 йил тўлади. 52 йил аввал, илк телесухандонлар — Иқбол Олимжонов ва Юнона Столярова экран қаршига сув тўлатилган идиш ёрдамида катталаштириб кўрсатилган, 1948 йилда ишлаб чиқарилган “КВН” русумли илк телевизор орқали эфирга чиқиб, Ўзбекистонда телевидение фаолият кўрсата бошлаганини ўзбек ва рус тилларида эълон қилишган. Тарихий фактларга мурожаат қилинганда телевидениенинг ҳақиқий ватани Тошкент эканлиги ҳам аён бўлади. Гарчи унинг техник



Суратда: “O‘zbekiston” телерадиоканалида фаолият юритаётган таниқли журналист Нишуфар Умрзоқова.

асослари, яъни тасвири бир манзилдан бошқа бир манзилга узатишга уриниш ишлари XIX аср ўрталаридаёқ Британияда, Россияда ва Европанинг бошқа давлатларида бошланган бўлишига қарамастан амалий натижага айнан бизнинг юртимизда — пойтахтимизда эришилади.

Тўғрироғи, 1925-28 йиллардаги тажрибалар натижасида Тошкентнинг Шайхонтоҳур мавзесидаги Бола масжид кўчаси 74-уйда (Ҳозирги Навоий кўчасидаги Тошкент телемаркази ёнида) Юсуфхон ака ва Ҳамза опа Мирмуҳамедовлар уйда тасвири ҳам узатувчи, ҳам қабул қилувчи томонлар тўла электрон тизимига асосланган ҳозирги замон телевидениеси яратилиб, жаҳонда биринчи бўлиб ҳаракатдаги ҳақиқий телевидение тасвир қабул қилинади. Ушбу ихтиро асосчилари эса — ўша болхонали уйнинг бир қисмида ижарада яшовчи Борис Грабовский билан Иван Белянскийлар бўлишган.

Аммо асл ҳақиқатни тан олиш ҳеч бир замонда осон кечмагани каби бу тарихий ҳақиқат, яъни телевидение ватани — Тошкент эканлигининг “дўстларимиз” томонидан тан олинishi жуда оғриқли кечган. Улар олиб боришган бошқа тур-

фа тажрибаларни рўқач қилишиб, бу “ватан”ни гоҳ у, гоҳ бу шаҳар дея талқин қилишни ҳуш кўришади. Ҳаттоки, икки олим томонидан Тошкентда синовдан ўтказилган қурilmалар қисман йўқ қилишга ҳам муваффақ бўлинган. Лекин тарихни бузиб бўлмайди, асл ҳақиқатни ҳам инкор этиб бўлмайди.

Ўтган аср тарихи тоқчаларида қолиб кетган бу гапларни бугун яна эслашимиздан мурод шуки, собиқ марказ томонидан телевидениенинг ҳақиқий ватанини тан олиш қандай оғир кечган бўлса, кейинчалик — фаолият кўрсата бошлаган Ўзбекистон телевидениесига муносабат ҳам худди шу тахлит, яъни панжа орасидан бўлган.

“O‘zbekiston” телерадиоканали бош режиссёри **Фатхулло Зоитов** шундай хотирлайди: “Ўтган асрнинг 80-йилларидан буён телевидениеда ишлаб келаман. Собиқ Иттифоқ даврида “олий, биринчи, иккинчи даражали” телевидениелар бўларди. Жумладан, Москвада олий, Украинада биринчи даражали телевидение бўлса, Ўзбекистон телевидениеси иккинчи даражали ҳисобланарди. Чунки улар ўша даврнинг энг яхши технологияларидан фойдаланарди. Яъни кўрсатув тайёрлаш учун улар BSH-100 монтаж аппаратини қўлласа, бизда BSH-50 ишлатиларди. Биз эса уларнинг технологияларига ҳавас қилардик. Шунингдек, ўша пайтда телемарказдан фақат 6 соатлик кўрсатув эфирга узатиларди.

(Давоми 2-бетда.)



Газета “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

ОБУНА-2009

ДУНЁ СИЁСАТИ

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

“Hurriyat” — севимли газетамиз

Республикадаги газета-журналларнинг ҳар бири ўз қиёфасига, ўз сўзига эга. Аммо шундай нашрлар ҳам борки, уларни ўқиб бормасангиз, ҳаётингизда нимадир етишмаётгандек бўлаверадилар. Ростини айтсам, “Hurriyat” мустақил газетаси ҳам камини учун қадрдон бўлиб қолди. Уни ўтган йилдан бошлаб мунтазам ўқиб бораёяман.

Газетадаги ҳаётимизнинг турли қирраларини ўзида акс эттираётган танқидий-таҳлилий чиқишлар, муаммолар мавзулар, тарихий характердаги мақолаларнинг салмоғи ортиб бораётганлиги бизга манзур бўлмоқда.

Шунинг учун 2009 йилда ҳам “Hurriyat”га ошно ва унинг ҳар бир сўзига ташна бўлиб, обуначилари сафида бўлишга қарор қилдик. “Тўртинчи ҳокимият” вакиллариининг мустақил газетаси бўлиши — “Hurriyat” аслида бутун халқимизнинг сеvimли нашрларидан биридир. У аввало мустақиллик меваси. Уни мунтазам ўқиб борсак, дунёқарашимиз ўзгариб, қалбларимиз зиёга, гурур ва фаҳрга тўлади.

Шу бондан ҳам, ўзим раҳбарлик қилаётган мактабларнинг ҳар бирига келгуси йили “Hurriyat” газетасининг кириб бориши учун астойдил ҳаракат қилаёяман. Чунки, унинг муштарийлари тобора кўпайиб боришини чин юракдан истаб қоламан.

Нурғали СЕЙИТНАЗАРОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпри тумани халқ таълими бўлими мудир.

ОПЕК қароридан норози



Оқ уй маъмурияти Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар — ОПЕКнинг шу йилнинг 1 ноябрдан бошлаб ҳар кеча-кундузда қора олтин қазиб олишни бир ярим миллион баррелга қисқартириш тўғрисидаги қарорига норозилик билдирди.

“Биз доимо хомашё, жумладан, нефть қазиб олиш юқоридидаги ўхшаган қарорлар асосида эмас, аниқ рақобатга асосланган ҳолда олиб борилиши тарафдоримиз”, деди Оқ уй матбуот котиби Уринбосари Тони Фратто бу ҳақда гапириб.

ОПЕК аъзолари қора олтин қазиб олишни кескин камайитириш бўйича қарор қабул қилишган эди. Ушбу қарорга асосан нефть қазиб олишни Жазоир — 71 минг, Ангола — 99 минг, Эквадор — 27 минг, Эрон — 199 минг, Кувайт — 132 минг, Ливия — 89 минг, Нигерия — 113 минг, Катар — 43 минг, Саудия Арабистони — 466 минг, Бирлашган Араб Амирликлари — 134 минг, Венесуэла — 129 минг баррелга камайитириши керак.

Эслатиб ўтамиз, бир баррель нефть нархи сўнгги савдоларда 70 доллардан ҳам пастга тушиб кетган.

5»

Икки фуқаронинг... тўрт хил имзоси?

Хурматли таҳририят!
“Хуррият” газетасининг 2008 йил 14 май кунги сонидан “Қалбаки хужжатлар, сохта имзолар” сарлавҳали мақолам эълон қилинган эди. Унда мен Сароисийё тумани марказидаги “Аэропорт” кўчасида жойлашган 2-уй — сохта имзолар хонадонига эгалик қилмаётганимга қаламга олинган эди. Камини уйини сотиб олган фуқаро Л.Захарова ҳозирги пайтда Россияда яшайди. Аммо у ўз аризасида, ишонч хатларида уйни менга сотганлигини баён этаётган бўлса-да, кейинчалик ташкиллаштирилган ва сохта далилларга таяниб эгалик қилаётган кимсаларнинг Шарнома ва Реестр китобидаги бир-бирига мутлақо ўхшамай турган икки фуқаронинг тўрт хил имзосини текшириб кўриш учун экспертиза тайинлашни сўраган эдим.

Мақолам чиққач, умид осмонимиз бироз ёришгандек бўлди.
2008 йил 16 май кунини фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро суди раиси Р.Ғулматов бизни қабул қилиб, шу йил 20 май кунини ишни кўрашимиз, экспертиза тайинлаймиз, адолатни рўёбга чиқариб берамиз, деб кўнглимизни кўтарди.

Ҳақиқатан ҳам шу йил 20 май кунини суд ишчи кўрди. Экспертиза тайинлаш учун ажрим ҳам чиқарилибди деб эшит-

дим. Ажрим билан танишиш учун суддан нусха сўрадим. Аммо кечагина адолатни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб турган суддагилар негадир ажримдан нусха беришни пайсалга сола бошладилар. Жавобгарларга эртаси кунгёқ берилган ажримдан биз даъвогарлар бир амаллаб, Сурхондарё вилояти судига мурожаат қилиб, вилоят судьяси Раёно Ҳазратқуловнинг аралашуви билан, икки ойдан кейингина зўрға нусха олодик.

Ўқиб кўриб, судьянинг ажримни нега биздан яширганлигини сабабини тушундик.
Ўзингиз ўйлаб кўринг, суд раисининг қўлида икки фуқаронинг икки хужжатдаги бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган тўрт хил имзолари турибди.

Алам қиладиган томони шуки, судья ана шу оддий кўзга ҳам яққол кўриниб турган фарқни кўришни хохламаяпти.

Судья бу қонунсизликни текширтириш ўрнига, экспертизадан “Олди-сотди шартномаси”даги уйни менга сотган фуқаро Л.Захарованинг имзоси ҳақиқийми-йўқми эканлигини аниқлаб беришни сўраяпти холос.
Реестр китобидаги Л.Захарова ва уйини “Ўзиники” қилиб олган Х.Алимардонваларнинг асл имзоларига мутлақо ўхшамай турган имзоларини текширтириш эса судьянинг гўёки “аси”дан чиқиб кетибди.

Фуқаролик ишлари бўйича Денов туман суди раиси Р.Ғулматовга бу ҳаракати билан ҳақиқатни яширишга уринмаяптими?
Қудрат ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Сароисийё тумани.

Ўзимизнинг "ойнаи жаҳон"

(Бошланғич 1-бета.)

Бугунги келиб, истиқлол шарофати билан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телемаркази 60 соатлик кўрсатувларни эфирга узатмоқда. Фарқини тасаввур қилаётганимиз — нақ 10 баравар кўп. Энди сифат ва техник жиҳозлар тафовути ҳақида гапирмасам ҳам бўладики.

Бир тақинчоқ можароси

"Собиқ тузум ўрнатган ва юритган мафкуравий тузум, таъйиқлар телевидениени четлаб ўтган" десак, ҳақиқат юзига кул селган бўламиз. Ҳар таъйиқларки, эшитсанг, баданингини муздай тер қоплайди. (Ҳа, албаттада — ҳар бир соҳани чирмовуқдай қоплаб олган, болангни суннат қилдирган бўлсанг ва ёхуд яқининг жанозасига борсанг ҳам паттанг кўлга тутқазилганга замонда асосий мафкуравий қурооллардан бири ҳисобланган телевидение мушунини бирор "пиш" демаган деса ким ишонади?) Гап қуруқ бўлиб қолмаслиги учун яна аниқ тақдирга мурожаат қилсак.

Галина Мельникова Ўзбекистондаги телевизор кўрадиган одам борки, билмайдиган инсон топилмас керак. Телевидение фаолият бошлаган 1956 йилдан — мақола аввалида номлари тилга олинган илк суҳандонлардан бир ярим ой кейин — учинчи бўлиб ишга қабул қилиниб, шундан буён бу даргоҳда ишлаб келаётган опа "манаман" деган бошловчига ҳали ҳам ўрнаклар. Ўзларининг эслашларини бўйича ТошМИ талабаларининг пахта теримида башарти бошқа эгнатдан пахта терганида ва ёхуд ёш йигит-қизларни телевидениега жалб этиш, халқ орасидан истеъдодларни излаш мақсадида юрган режиссёрларнинг назарига бир тасодиф туйғули тушмаганида эҳтимолки ҳали ҳам болалар шифокори бўлиб ишлаб юрган бўлармидилар...

Хуллас, фахрий суҳандон шундай кечмишларидан бирини шундай эслайдилар: "Янгилишсам, ўша пайтларда "Галаба кўни" деб юритиладиган Иккинчи жаҳон уруши тулган кўннинг қайси ям бир йили эди. У пайтлари ҳозиргидек енгил, кўнма ёзиш аппаратлари йўқ. (Манаман деган норғулнинг ҳам оғирлиги 100 килодан кам бўлмаган камерани ҳансираб шаҳарнинг у четидан бу четига кўтариб юришга чоғи келмаган бўлса керак-да" — муал.) Пешонага битган биттагина, шундоғам дим студияда — ўнлаб чироқлар билан иссиқ ҳарорат 2-3 баравар ортиб кетган, махсус чироқлар кўзни кўр қилар даражада қамаштириб юборадиган жойда меҳмонлар билан суҳбат жонли, тўғридан-тўғри эфирда кетадиган давлар эди.

Хуллас, меҳмон билан суҳбатимиз бевосита эфирга кетди. Ишдан сўнг уйда дам олаётган эдим, ярим кечаси ўша пайтлардаги раҳбаримиз Убай Бурҳон сиз қўқиб, ўтакамни ёрди. "Нима гап?", — дея кўрқа-писа сурашганига мажолим қолганди. "Эфирда бўйинингга нима тақиб олган эдинг?", — деб сураганидан сўнггина ўзимга келдим. Қарасам, бўйинидаги занжир ўртасида Таиланддан эсдалик сифатида олиб келинган, қанотларини қоқиб турган қалдирғоч шаклидаги медальон таққан эканман. Қўрқанимдан "Тинчлик кабутари" деб юборибман. "Москвадан, бадийи буюмлар салонидан олгандинг", — дея яна қўшимча қилдим. Чунки "Таиланддан олинган" деган гап — ўз илдизимга болта уриш билан баравар эканлигини яши билардим. Ҳамма бало эртаси кундан бошланди. Бунга қарангки, бўйинидаги қалдирғоч шаклидаги тақинчоқ ўша пайтлардаги собиқ Марказқўм мафкура котибасининг кўзига хоч (христианлар крести) бўлиб кўринган экан. Текшир-текшир, мажлис-бозиллар, ўн маротабалаб тушунтириш хатлари ёзишлар билан 2-3 hafta ўтди. Мени текширмаган ташкилот қолмади, ҳисоб. Тақинчоқни ташлаб юборганимга эмас, бузилган асабларимга, кетган соғлиғимга ҳали-ҳануз ачинаман. Ўша воқеадан сўнг телевидение йўлакларини, файеларни атеистик руҳдаги, динга қарши беомон курашга чорловчи деворий газеталар, хитобномалар босиб кетган, ҳамма ходимлар бирма-бир чигирқдан ўтказиб олинган эди".

Галина Витальевнанинг гапларини эшита туриб, бизнинг авлод у кунларни кўрмаганига шукрлар келтираман. Лекин у даврларда ҳамма соҳада бўлган каби телевидениеда ҳам юзлаб фидойилар собиқ тузумнинг бу офатидан азият чекканларини, кўнгул тубидаги энг қайноқ

илҳомлар юзга чиқмай сўнганини, ҳур овозлар бўғилганини, томошабин қанчадан-қанча бадий асарлардан жудо бўлганини ўйласанг, юрагинг туз сепгандек ачишади. Отахон режиссёр, бугун урф бўлган сериалларга ўзбек видеофильмлари билан тамал тошини қўйган инсонлардан бири — Мақсуд Юнусов ҳам улуг бобомиз Навоий ҳақидаги видеофильмининг дастлабки қисмларини турфа зуғумлардан асраш учун телевидение томига (чердагига) олиб чиқиб, яшириб қўйганлиги ҳақидаги гаплар бугун кимгадир афсона бўлиб туюлиши мумкин. Аммо бу — аччиқ ҳақиқат.

Ўзбек телевидениеси бошидан шундай кунлар ҳам ўтган эди.

Яқин-олис йиллар сабоғи

Ҳозирги Миллий телерадиокомпаниянинг (собиқ Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг) ўтган асрда чиқарилган, раҳбарият ва турфа муҳарриратлар ижодий ходимлари телефонлари рўйхати тартиб берилган, 80-йилларда нашр этилган китобчага назар ташлаймиз. Ўша даврларда урф бўлган битта "темир қонда"дан ҳеч ким четга чиқа олмагани каби — "иккинчи қотиб"лар, вазирилар ёки қўмиталар раисларининг биринчи ўринбосарлари албатта "улуг оғамиз" вакиллари бўлишлари, аслида "биринчи ўринбосар" бўлгани билан амалдаги жилов ўшаларнинг қўлида бўлиши шарт эди. Бу "қонда" бугун тилга олинмаган ижодий жамоани ҳам четлаб ўтмаган, унинг ҳам биринчи ўринбосари — В.Н.Архангельский дея қайд этилган. Собиқ қўмидадаги ҳамма муҳим ишларни ҳал қиладиган — бошқарув ҳайъатининг ҳақиқий раиси ҳам ўша "иккинчи"лар бўлиб, ҳайъатнинг иккитига котиблари — Л.А.Рудакова ва С.А.Балашева эканлиги ёзиб қўйилган.



Маълумотномани варақлашда давом этамиз. Ўша даврларда ҳам минг-минглаб одамлар ишлаган даргоҳнинг кадрлар бошқармаси раҳбари — П.Ф.Казанцев, унинг қўл остидаги 6 нафар ходимлар — Ф.А.Махно, И.И.Попов, Г.М.Лукин, А.П.Черкашина, Л.Н.Кухтина, И.Е.Добромирова, ташкилот юристи — Т.М.Сухорукова, бухгалтерия хисоби ва тафтишлар бошқармаси бошлиғи — Р.В.Игнатова, унга ҳисоб берадиган бухгалтериянинг раҳбари ҳамда ходимлари — Н.Д.Никифорова, Э.М.Сивак, А.В.Зиганшина, М.А.Сингатулина, Л.И.Тимошина, моддий-техника таъминоти раҳбари ва ходими — С.Ю.Лученко, Л.А.Багдасарьян... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Ҳайрон қоласан — бу ўринда гап Ўзбекистондаги телевидение ва радиоэшиттириш Давлат қўмитаси ҳақида кетаяптими ёки бошқа жойникимиз?.. Наҳотки ўша пайтларда бундай лавозимларга маҳаллий халқ вакилларидан ақалли биттагина топиламан бўлса? Энг юқори ўринлардан тортиб кадрлар бўлими-ю моддий-техник таъминот раҳбарларининг аҳволи шу бўлган, миллий кадрлар, ўзликни сақлаш, миллий кадрлар етиштириш каби эзгу мақсадлар йўлидаги ишлар қай аҳволда бўлганини тасаввур этиш қийин эмасдир.

Тўғри, балки номлари саналган кадрларнинг ўз касбларининг усталари бўлгандир, бориинг ана — ҳалол ва покиза меҳнат қилгандирлар. Эътироз ҳам, ҳеч қандай гараз ҳам йўқ. Аммо бу ўринда гап ўша собиқ марказ байроқ қилиб, асосий дастак сифатида кўрсатиб келган — миллий телевидениени ривожлантиришдек энг асосий масала ва унга қандай эришилгани ҳақида бормоқда. Хулоса қилсанки, балки шу сабаблар туйғули ҳам ўша даврларда "Ал-помин" дostonи ҳақида гапирган одамнинг паттаси қўлига

тутқазилгандир, балки шунинг учун буюқ Темурни қўя турганда ҳам Навоий, Бобур, Хоразмий, Беруний ва бошқа дунё тан олган алломаларимиз ҳақида бирор кўрсатув тайёрлаган одамнинг боши маломатлардан чиқмагандир, балки шунинг учун ҳам маънавий мулкимиз бўлиб қолиши мумкин бўлган не-не телеасарлар тугилмасдан бўғилишга ҳукм қилингандир...

Ҳар кунни йилларга тенг дамлار

Бошқа соҳалар қатори телевидениенинг ҳам том маънода айнан истиқлолдан сўнг елкасига офтоб теғди. Соҳани ислоҳ қилиш вазифа этиб берилган илк ҳужжат ҳам истиқлолнинг дастлабки ойларида тўғри келди. Бу ўринда биз Президентимизнинг 1992 йил 7 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитетини Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантириш тўғрисидаги" Фармони назарда тутмоқдамиз. Тайинки, туб бурилишлар фақат ном ўзгариши билангина чегараланиб қолмади. Йўналишлар, давр олдимизга қўйган вазифалар белгила берилди. Вазифалар эса -



энди мустақил юрт истиқболи билан боғлиқ бўлиб, улугвор ва қўлдор эди.

Шундан сўнг истиқлол йилларида парламент томонидан қабул қилingan матбуот соҳасига дахлдор барча кўнунлар бу соҳада ҳам босқичма-босқич амалга оширилиб келинди. Телевидение ва радионинг ўзига эътибор эса бирор-бир йил бўлсин — сусайгани йўқ. Юқорида номи келтирилган Фармондан икки йил ўтиб, Вазирилар Маҳкамасининг 1994 йил 28 мартдаги "Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттиришлари ҳажмини кўпайтириш, унинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, яна икки йил ўтгач, Ўзбекистон Президентининг 1996 йил 7 майдаги "Ўзбекистоннинг ижтимоий таррақийетида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони (айнан шу Фармонга асосан Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компанияси жойларда ҳудудий бўлинмаларига эга бўлган "Ўзбекистон телерадиокомпанияси" тарзида ўзгартирилди), бир йилдан сўнг эса "Ўзбекистон телерадиокомпанияси тизимини техника билан комплекс жиҳозлаш тўғрисида"ги ҳукумат қарори қабул қилинди.

Ҳозир номлари саналган фармон ва қарорлар ижроси ўлароқ республикамиздаги телерадиокомпанияларнинг моддий-техника базаси тўлиқ янгиланди. 1997 йилдан 2007 йилга қадар, босқичма-босқич амалга оширилган бу техник янгилашлар нафақат Тошкентдаги телемарказни, балки вилоятларни ҳам қамраб олди, бу марказларга жаҳоннинг энг замонавий, жумладан, Германиянинг "SIEMENS" компанияси ускуна-

ри ўрнатилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг Қарши, Самарқанд, Наманган, Урганч, Нукус, Андижон, Термиз каби шаҳарларидаги телемарказлар ҳам худди шундай замонавий ускуналарга эга.

Шуни алоҳида эслаш керакки, мамлакатимиздаги баркамол авлод тарбияси, ёшларимизни спортга муҳаббат руҳида вояга етказиш каби улугвор вазифадан телевидение ва радио тармоқлари ҳам четда қолгани йўқ. Бу ўринда Вазирилар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги "Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори улкан туртки бўлдики, айнан шу қарор ижроси ўлароқ Ўзбекистон телевидениесининг 4 - "Халқаро" телеканали махсус "Спорт" телеканалига айлантирилди. Маънавий ва жисмоний мукамаллик кафолати бўлган спорт ва унинг тарғиботида бутун бошли бир телеканал камарбасталигининг аҳамиятини ортиқча изоҳлаш шарт бўлмас керак.

Ва ниҳоят, мамлакатимиз телевидение ва радиоси ҳаётига янги нафас олиб кирган яна бир муҳим ҳужжат ҳақида тўлиқнича сўз юритиш керак. Бу ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги "Мустақил телера-

ахборотлаштириш агентлигининг Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази Миллий телерадиокомпания томонидан тақдим этилган 24 соатлик кўрсатув ва эшиттиришлари Хитойнинг ер станцияси кўмагида Россиянинг "Экспресс АМ 1" сунъий йўлдошига узатилди. 11096 мГц частотали, тезлиги 4800 кБ/с, тўлқин қўтбланиши горизонталь бўлган бу йўлдош эса 40-градусда жойлашган мамлакатларга ижодий маҳсулотларни намойиш этади".

Бир қарашда мутахассислар



тушунадигандек таассурот қолдирувчи бу фикрлардан бир нарсани англаш мушкул эмас — юртимиз, халқимиз ҳеч кимдан кам бўлмаганидек, унинг телевидениеси ҳам жаҳоннинг ҳеч бир еридан қолишмайдиган даражага етиб бормоқда...

Шу ўринда ўзим гувоҳи бўлган бир мисолни келтирсам. Касб тақозоси билан баъзи мамлакатларда бўлишга, дунё ва Ҳамдўстликнинг турли саммитларини ёритишга тўғри келган. Шунда кўшни давлатлардаги ҳамкасбларимиз бизнинг тасвирчилар ишлатаётган камералар русумларига айрича бир ҳавас билан боқишлари, ўзларининг ҳали-ҳануз кўзларига тўтиё қилиб келаётганлари — тасвирга олиш ва ёзиш ускуналарига боққанларида бизда улар ўн йиллар олдин ишлатиб бўлинганини айтганимизда кўзлари ҳавасдан ёниб кетганларига гувоҳ бўлганмиз. Бу ҳеч бир муболага эмас.

Шундай қилиб, Ўзбекистон телевидениеси жаҳонга чиқди. Телевидениенинг Интернет сайтига ҳар кунни келадиган мактублардан айримларини ўқисак. Германиянинг Гиссан шаҳрида иссиқлик энергияси бўйича муҳандис бўлиб ишлаётган Равшанбек Ҳўжанов шундай ёзади: "...Мен ҳар кунни Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувларини оилам билан кўриб бораман. Шунда ўз Ватанимда кечаётган жараёнлар, улкан қурилишлар, миллиатдошларимнинг юртга муҳаббат ҳақидаги фикрларини эшитаман ва уларни бугун ўзим яшаётган мамлакат одамлари фикрлари билан солиштираман. Бизнинг юрт фарзандларидан эртанги кунга ишонч, фаровон ҳаётга нисбатан буюк бир умид бор. Ўзимча хулоса қиламанки, юртимиз ҳам, унинг самийини ва поқдомон одамлари ҳам ҳеч кимдан кам эмас экан..." Испаниянинг Мадрид шаҳрида яшаётган юртдошимиз Шоира Турғунова фикрлари эса ҳар қандай юракни энтиқтириш юборади: "...Ўзбек телевидениесининг ҳамма кўрсатувларини томоша қиламан. Ҳаммаси ўзгача. Аммо шу кўрсатувлар орасида миллий куйларимиз, ёшлиқдан она алласи қадар қалбга жо бўлган мумтоз кўшиқларимизни тинглаб, ҳар сафар кўзимдаги ёшни — орзуга, армонга, ҳавасга, соғинчга йўғрилган ёшни тия олмайман. Юртимни соғиниб, ўртаниб кетаман..."

Ўйлаймизки, бу гапларнинг ўзи кўп нарсга ҳақида сўзлаб турибди.

Олисдаги ватандошларни йиғилган наво

Биз ҳозир тилга олмоқчи бўлган мисол ҳам юқорида айтилган ўша ўзгача руҳ маҳсулидир: Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари коинот ва Интернет тизими орқали бутун дунёга намойиш қилинмоқда. Агар истиқлол бўлмаганда бу ҳақда фақат орзу қилиш, ширин ҳаёллар суриш мумкин эди, холос. Шу нарсани фахр билан айтиш мумкинки, 2006 йил 8 декабрдан қисман, яъни 6 соат, 2007 йилнинг апрелидан бошлаб "O'zbekiston" телерадиокомпаниянинг теле ва радиомасулотлари тўлиқ — суткасига 24 соат мобайнида дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатларига намойиш қилинмоқда. Демак, бугун дунёнинг шунча давлатида яшовчи миллиардлаб аҳоли ўзбек "Шашмақом"ини тинглаши, ўзбеклар юртда амалга оширилаётган бунёдкорликлардан воқиф бўлиши, Ўзбекистондек салоҳиятли мамлакатнинг бугунидан огоҳ бўлаётгани рўё эмас, ҳақиқат.

Миллий телерадиокомпания техника-технологиялардан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш бўлими бош мутахассиси Маъруф Муродов бу жараённи шундай шарҳлайди: "2007 йилнинг апрелидан бошлаб "Uzbekistan" лейбли (белгиси) остидаги кўрсатувлар йўлдош алоқа орқали коинотга чиқа бошлади. Демак, Алоқа ва



Бўлажак журналистлар билан учрашув

Яқинда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети қошидаги Олий журналистика курси талабалари билан таниқли журналистлар иштирокида учрашув ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Гуломов, "Hurriyat" мустақил газетаси ижодкорлари ва ўқув даргоҳининг бир қатор профессор-ўқитувчилари иштирок этишди. Тадбир давомида бўлажак журналистларга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасида олиб борилаётган ишлар, оммавий ахборот воситаларида амалга оширилаётган ўзгаришлар, сўз эркинлигига, бўлажак мутахассис кадрларни тайёрлашга бўлган эътибор, шунингдек, Юртбошимиз фамхўрликларидега соҳа ходимларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳамда бир қатор ижодий танловлар — "Олтин қалам", "Энг улуг ва энг азиз", "Атиргул", "Йилнинг энг фаол журналисти" қабилар ҳақида батафсил сўзлаб берилди. Шу билан биргаликда тадбир иштирокчилари "Hurriyat" мустақил газетасининг фаолияти, унинг мамлакатимиз ОАВ ривожланишида тугган ўрни, газетанинг келгуси режалари тўғрисида ҳам атрафлича маълумотларга эга бўлдилар.

Учрашув сўнгида журналистика факультети декани, тарих фанлари доктори Қудрат Ирнарзоров, тажрибали устоз журналист Анвар Каримовлар сўзга чиқиб, учрашув иштирокчиларига миннатдорчилик билдирди.

Ситора Тожиддинова, "Hurriyat" мухбири.

КОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

"ЭКОСАН" халқаро ташкилотидега Ўзбекистон Республикасининг "Давлат санитария нazorати тўғрисидаги" Қонунининг амалиётга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда қатор вазирилик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Тошкент шаҳар санитария — эпидемиология нazorати, Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасининг Тошкент шаҳар ва туманлари бўлимларининг раҳбарлари ва бошқалар иштирок этидилар.

Маълумки, кейинги йилларда республикамизда санитария-гигиена ҳолатни яхшилаш ва эпидемияга қарши барча чоралар қўрилиши ҳамда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида каттор ишлар амалга оширилди. Айни пайтда шаҳарлар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 88,8 фоизни, қишлоқ аҳолисини таъминлаш даражаси эса 61,9 фоизни ташкил қилмоқда. Ер усти ва ости сувларининг сифати паст бўлган ёки етарли бўлмаган ҳудудларда сифатли сув етказиб бериш мақсадида умумий узунлиги 1954 км. бўлган минтақалараро қувурлар қурилди. Шунингдек, санитария ва эпидемиологик ҳолатни яхшилаш мақсадида "Ўзқомунхизмат" агентлиги ташаббуси билан 129 миллион АҚШ доллари миқдоридега инвестициялар жалб қилинди.

Тадбир давомида юқоридагилар билан бир қаторда қўллаб қамчиладиган ҳам аниқланганлиги қайд этилди. Қўриб чиқилган масалалар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича керакли тасвиялар ишлаб чиқилди ҳамда жойларда бир қатор ишларни амалга оширишга келишиб олинди.

Иномжон АБДИЕВ "Hurriyat" мухбири.

САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИЯ БИРЖАСИ

Шу кунларда пойтахтимиздаги "Ўзэкс-помарказ" павильонларида Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтмоқда.

Унда мамлакатимизнинг 300 дан ошиқ етакчи саноат корхоналари ўз анъанавий маҳсулотлари, хизматлари, янги ўзлаштирилган ҳамда келгуси йилда ўзлаштирилиши мўлжалланган тайёр маҳсулотлар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларини тақдир этмоқда. Қўрғазмада айниқса, маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг намойиши иштирокчиларда қизиқиб уйғотмоқда. Жумладан, бу йил ўзлаштирилган пахта толасини боғлаш учун ишлатиладиган полиэстр лентаси нуфузли ўзбек пахтаси ярамаркасида ҳам алоҳида эътироф этилди. Утган йилги кооперация биржасида 42 миллиард сўмлик ҳамкорлик шартномалари имзоланган эди. Жорий йилги тадбирда эса бу кўрсаткич 1,5-2 бараварга ошиши кутуляпти.

— Биз "Ўзқурилишматериаллари", "Доридармон", "Ё-мой озиқ-овқатсаноат", "Ўзвено-саноат", "Ўзбекқўмир" каби компания ва уюшмалар билан доимий ҳамкорлик қиламиз, — дейди "Ўзфармасаноат" концерни раиси ўринбосари Болтабой Қаҳқоров. — Бугунги тадбир бу ишни янада мустаҳкамлаш, шунинг баробарида бошқа саноат тармоқлари тизимидаги янгиликлардан бохабар бўлиш имкониятини беради.


Азим РЎЗИЕВ, "Hurriyat" мухбири.

Комилжон ШАМСИДДИНОВ, тележурналист.

ЖАРАЁН

Автобуслар "пойга"си

ёки бекат "саралаётган" ҳайдовчилар



Ўқшимга етиб оламан. Ёки қарама-қарши йўналиш бўйлаб шох бекатга бориб, кейин автобусда яна изимга қайтаман. Шохбекатда эса мени бир нарса доим ажаблантиради. У ерда битта йўналишда қатнайдиган автобусларнинг беш-олтитаси қатор бўлиб туради. Бошқа бекатларда эса одамлар кўзи тўрт бўлиб автобус пойлайди. Охир-оқибат яна тирбандлик муаммоси вужудга келмоқда. Бу муаммоларни бартараф этишнинг наҳотки иложи бўлмаса?

Гулрух МЕНГЛИЕВА

Софинчли хат

ДИЛ СЎЗИ

Ватани севиш инсон қалбидаги энг муқаддас туйғу. Унга муҳаббат билан боқиш эса маънавиятли кишига хос бўлган фазилатдир. Халқимизда мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас, деган гап бор. Шу маънода Ватани севиш, уни соғиниш ҳиссини олис хоржиш юртларда таҳсил олаётган, меҳнат сифари билан юрган одам янада чуқурроқ туйди, англаб етади. Бугун юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар самараси ўлароқ кўнлаб истеъдодли ёшларимиз жаҳонда кўзга кўринган олий ўқув юртларида илм эгаллашмоқда, дунё билан танишмоқда. Ватанимиз доверуғини турфа элларга ёйишмоқда. Тахририятимизга технология тараққий этган ҳозирги кунда интернет орқали хоржи давлатларида билим олаётган ёшларимиздан кўнлаб хатлар келмоқда. Кўйда ана шундай номалардан бирини ҳавола этаётимиз.

Ватан! Унинг муқаддас бағридан илм йўлида чиқиб, ўзга юртда, элимдан йироқда мусофирлик таълими тотиб кўрушимга қадар мен бу сўзни фақат тилим билан айтар ва кўп эшитар эдим, унинг бу қадар улуғворлигини ҳис этолмас эдим. Энди эса ушбу сўзни тилга олар эканман, олов бўлиб ёнаётган дилдан кувонаман. Қалбимда соғинч туйғуси жўш ураб экан, ҳеч бир миллатга ўхшамас савимий, софий юртдошларим борлигини, мафтункор ва виқорли тоғлар бағридаги севили кишиларнинг ва бегубор болалик хотираларининг қолган Ватанимиз нечоғли азизлигини англаб етар эканман киши.

Баъзан ўзбекистонлик дўстларимиз билан бўладиган суҳбатлар асосида "Ватан соғинчи" ҳақида гап кетса, "Мен Ўзбекистонимизни бу ерга йўл олар чоғимдайёқ соғинган эдим", дея ҳазиллашгандек бўламан. Аслида эса бу муболагасиз, ҳазил ҳам эмас, ўшанда қалбимда ҳавотир, соғинч ва айни пайтда мен учун тушунарли туйғулар таъсирини кўнлаб торларим узилгандек эди. Ҳозирда ўзга юртдаги катта-ю кичик ўхшашликлар, тафовутлар юртимизни ёдга солаверади. Бетон ва асфальт йўллари қабагдан қабарган тавонимни ногоҳон йўл ёқасидаги майсазорга босганимда, қадрдон қишлоғим, қир-адирлар, юртимнинг барно баҳорлари ёдига тушаверади, тушаверади... Ҳаттоки емоқ учун кўл узатган таомнинг таъмидаги кичик бир ўхшашлик ҳам, бозорда ўзбек дастурхонларини безаб турадиган ньематларга кўзим тушганида ҳам, Тошкент кўчаларини ёдга соладиган манзилларга боқиб ҳам кўнглимда илқик пайдо бўлади. Таним соғинида жун-жукандек жимирлайди. Фиръонлардан қолган эҳромларга чиққим йўқ. Лекин улар уйимиз ортидаги тепаликда жойлашган харсанг тошни, тепаликларни эсга солади... Уша ҳарсангда ўтириб, тупроғим тафтини таратувчи онам ёлган ширмой ноналардан тўйиб еган дамларим ёдига тушаверади.

Чет элда ўтган кунларим давомида тўю-маросимларда бир-бирига меҳрибон, баҳамжсизат, элим деб куйиб-ёниб яшайётган меҳнатсевар халқимизни ҳар дам ёдига тутиб, унинг буюк келажасига кўшишим керак бўлган ҳиссамни англайман. Янада шижоат билан илм чўққиларини забт этишимни тушунаман. Меҳнат қилишда, олдинга иштилишда кучимга-куч қўшилгандек сезаман ўзимни.

Дил сўзларимга ҳулоса қилар эканман, юрт учун яшамоқликни ўргатган ота-онам, Юртбошим, қариндошларим, бутун элимизга ва табаррук зот — устозларимга омонлик, саломатлик тилайман. Юртимиз жамолини ҳамisha фаровонликда кўрмоқлик nasib этсин.


Ғолиббек БАҲРОМОВ,
Миср Араб Республикасининг "Қоҳира"
университети адабиёт факультети талабаси.

Аксарият ҳоллардагина кўзлаган манзилимизга етиб олиш учун энгил автомашиналар, яъни таксиларга кўл кўтарамиз. Қолган пайтларда эса жамоат транспортлари хизматидан фойдаланамиз. Хабарингиз бор, кейинги йилларда пойтахтимизда йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида бир талай ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хоржида ишлаб чиқарилган автобусларни олиб келиш билан биргаликда Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилаётган микроавтобусларнинг Тошкент шаҳри бўйлаб турли йўналишларда қатновлари жорий этилмоқда. Шунингдек, янги-янги йўналишлар ҳам пайдо бўлмоқда. Шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари бу қулайликлардан хурсанд, албатта. Аммо...

Хар кун эрталаб ўқишга, ишга шошиб турганимизда бекат бўлишига қарамасдан автобус ва трамвайларнинг тўхтамай ўтиб кетиш ҳолатларига кўп бора гувоҳ бўлмоқдамиз. Бунинг сабабини эса эрталаб — одам тиқилинч вақтда жамоат транспортга чиққан йўловчилар билади. Чунки бундай вазиятлар деярли ҳар кун такрорланади. Хуллас, автобус бекатга яқинлашганида ҳайдовчи чиптачидан "тушадиган борми", деб сўрайди. Кондуктор ҳам ўз навбатида автобус салонида қараб бақирганича ҳайдовчининг гапини такрорлайди. Мабодро ҳеч кимдан садо

чиқмаса, бу "хушхабар" уловни бошқариб бораётган кишига етади. Соатларига тез-тез қараганча интиқлик билан кутиб турган йўловчилар автобусни қораси кўринган заҳоти кўзлари кувончдан порлайди. Лекин бир томонга сал қийшайиб қолган автобус тўхтамасдан ўтиб кетади. Айниқса, 129-, 110-, 50-, 30- рақам билан қатнайдиган автобуслар ҳайдовчилари бекатдаги одамларни кўриб, кўрмасликка олишади. Ушбу ҳолат гўёки йўловчиларни очикдан-очик масҳара қилишдек таассурот уйғотади кишида. Бунинг сабабини бир таниш автобус ҳайдовчисидан ҳазил-чин аралаш сўрасам, у: "Биздан кейин келаётган автобус ўтиб кетмасин дей-

Айтайлик, вилоят марказидан бирор туманга бормоқчи бўлдингиз. Энг аввал, йўловчи кутиб турган энгил машина, микроавтобус ва автобусларга кўзингиз тушади. Сизни кўрган заҳотиёқ "посадчик"лар (ўзбекча мақбул муқобилини топа олмадим) ўзлари оталикка олган уловларга таклиф қилишади, нафақат таклиф қилишади, сал бўлмаса кўлингиздан тортиб ўтказиб қўймоқчи бўлишади (Боиси ҳар бир йўловчидан маълум миқдорда улуш олиб туришади-да). Қатий нарх ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Йўл ҳақи машина ва йўловчилар сонига, қолаверса об-



— Биласизми, ЙПХ ходимлари томонидан тўхтатилгандагина кўпчилик ҳайдовчилар, айниқса, энгил автобуслар эгалари лицензия ва йўл вақоқлари ҳақида ўйлаб қолишади, — деб фикр билдириб ўтади "Демир Селим арч" хусусий корхонаси раҳбари Ҳамид Назаров.

Саволларимизга қисман жавоб топғач, айрим кирақаш ҳайдовчилар билан суҳбатлашишга уринамиз. — Мен тонг саҳардан иш бошлайман. Бу пайт уюшмада бирор киши бўлади, деб ўйлайсизми? — дейди ўзини таништиришни хоҳламаган кирақаш йигит, — қолаверса, эрталабдан ким чўнтагига пул солиб кўчага

Яна йўловчиларга хизмат даражаси ҳақида

ҳаво ҳамда куннинг эрта ёки кечлигига боғлиқ. Автобус учун чипта сотиб олаётган кишини эса умуман учрата олмайсиз. Қатий жўнаш вақти ҳақида-ку сўрамай кўверинг. Ҳайдовчи йўловчилар сонини чама-лайдию инсофи бўлса манзил томон йўл олади, йўқса уловининг тўлишини кутади. Эътироз билдирганларга эса "Мен сизни ушлаб турганим йўқ, хоҳласангиз ана таксида кетинг" деган жавоб берилади.

Ҳайрон қолсан киши: йўлнинг эгаси ким?! Ҳайдовчи энг аввало, йўловчига сифатли хизмат кўрсатиши

керак эмасми?! Ахир, йўловчи ҳам истеъмолчи ҳисобланмайдими?!

Қолаверса, ҳайдовчиликка даъво қилиб калит "ўйнатаиб" турган ёш йигитларни кўриб, юқоридидаги саволларни яна давом эттириш мумкин: бу автобуслар техник кўриқдан ўтганимиз? Фойда кетидан куваётган шоввозлар уловлардаги кишиларнинг соғлиғига ҳам жавобгар эканликларини ҳис қилишадими?..

— «Йўловчи ташиш транспортти фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 2006

йилдаги 303-сонли қарори мавжуд, — дейди Фаллаорол туманидаги автобусбекат раҳбари Бахтиёр Ҳаққулов. — Унга кўра йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автобуслар йўналишига қараб жойлардаги корхона ёки уюшмаларда рўйхатга олинши, ҳар кун тиббий ва техник кўриқдан ўтиши шарт. Автобусбекатимиз қошида ҳам шундай уюшма мавжуд. Бироқ энгил автомобиллар хусусий эканлигини, иш вақтини ўзлари белгилашларини ҳисобга олсак, уларнинг фаолияти тўлиқ назоратда, деб бўлмайди.

чиқадими?! Энгил автомашиналарни техник кўриқдан ўтказиб, йўл вақоқаси олиш учун эса минг сўмдан 1,5 минггача, микроавтобуслар учун 2,5 минг сўмгача тўлаш керак. Энг нуқуллайи кўпгина уюшмаларнинг идораси бошқа жойда, техник кўриқдан ўтадиган жой эса бутунлай бошқа жойда. Шунинг учун ҳафсала келса, бир-икки қатновдан кейин уюшма идорасига бориб келармиз. "Мабодро ЙПХ ходимлари текшириб қолишса-чи?" деган саволимга эса у кулиб кўя қолди.

Баҳром МИРЗО

МУАММО ВА ЕЧИМ

Сув танқислигини бартараф этиш учун

Сув танқислиги бутун Марказий Осиёда, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам энг долзарб муаммолардан бири. Мазкур масала инсонлар ҳаётига дахлдор бўлиб, бу борада, албатта, муайян ишлар — савий-ҳаракатлар қилиняпти. Маълумки, Қозоқдарё Амударёнинг куйи қисмида жойлашган. Жилтирбос кўлига эса сув Қозоқдарёдан келади. Бу кўл аслида Орол денгизининг ажралиб қолган бир қисми ҳисобланади. Сувни тежаш, ундан тежамли фойдаланиш, мавжуд кўллари сақлаб қолиб, тирикчилик учун манба яратиш, чорвачилик ва баликчиликни ривожлантириш учун мавжуд имкониятларни ишга солиш ҳаётий масаладир. Шу мақсадда ҳозир Жилтирбос кўлини сув билан таъминлаб туриш учун Қозоқдарёнинг бошланғич қисмида сувни тақсимловчи бош иншоот — тўғон қуриляпти. У битгач, секундига 80 метр куб сув Қозоқдарё орқали Жилтирбос кўлига қуйилиши таъминланади. Ҳозирда кўл атрофини дамбалаш ишлари олиб боришмоқда.

Бунёдкорлик ишлари жараёни қандай кечаётганлиги билан танишиш учун Оролни кутқариш Халқаро жамғармаси Нукус филиали директорининг ўринбосари Женис Ембергенов ҳамроҳлигида бир гуруҳ муҳбирлар, тележурналистлар билан бирга ўша объектларда бўлдик. Аввало Қозоқдарё манбада барпо қилинаётган бош сув тақсимловчи иншоотни кўздан кечирдик. У 2007 йилнинг июнь ойидан бошлаб Оролни кутқариш Халқаро жамғармаси Нукус филиали буюртмаси билан "Оролсувқурилиш" бунёдкорлари томонидан амалга оширилаётган экан. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 35 миллион сўми ташкил қилади.

Жамғарма вақили Пўлат Турсимбетов техник ваъий назоратни амалга ошириб, бунёдкорларга ёрдамлашмоқда. Биз қурилишдаги бунёдкорлардан бири бригада бошлиғи Арзимурот Бекмуротов билан суҳбатлашдик.

— Бу ерда 16 нафар киши меҳнат қилмоқда, — деб сўз бошлади у, — икки сменада ишляямиз. Йигитларимиз ғайрат кўрсатишяпти. Албатта, бу осонликча бўлаётгани йўқ. Олдимизда эзгу мақсад турибди: тўғон битса, бу ўз навбатида Қозоқдарё кўргони аҳолисининг турмушини яхшилашга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ахир, Қозоқдарёда 8 мингга яқин аҳоли яшайди. Уларнинг асосий тирикчилиги эса Жилтирбос кўлида баликчилик билан шуғулланишга боғлиқ.

Иншоот қурилишида бульдозерчи Боймурот Бекимбетов, экскаваторчи Елмурот Жонбеков, электрпайвандловчи Халил Рейимов, ишчилар ўринбой Жисмуротов, Адилбой Утегенов ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Иншоотни шу йилнинг охирида қуриб битказиш кўзда тутилган.

Ғойиб ЁҚУБОВ









Имқоният яратамиз

Халқаро пул ўтказмалари

Хизматлар лицензияланган

WWW.IPOTEKABANK.UZ

Жиноят ўз-ўзидан очилмайди

Яқинда Фарғона вилоятида психотроп моддалар муомаласи билан ноқонуний шуғулланган бир гуруҳ кимсалар қўлга олинди. Улар психотроп моддаларни конвалюта (махсус идиши)дан чиқариб, полиэтилен пакетларга солиб, божхона ходимларини бош оғриғига қарши дори олиб кетаямиз деб чалғитмоқчи бўлишганди. Аммо Республика суд-экспертиза марказининг экспертлари ўта сезgir махсус ускуналар ёрдамида олиб кетиладиган махсулотнинг ҳақиқатдан ҳам психотроп моддалар эканлигини аниқлашди. Бундан сал олдин эса республикамизга олиб ўтиладиган ва хужжатларида нитрат кислота деб расмийлаштирилган суюқлик таркибиде прекурсор — гиёҳвандлик хомашёси бўлган хлорид кислотаси борлиги ҳам исботлаб берилганди.

Дарҳақиқат, жиноят жазосиз қолмайди. Аммо дунё узлуксиз ривожланиб бораётганлиги ҳамда бу жиноят оламига ҳам таъсирини ўтказмасдан қолмаслигини эътиборга олиш зарур. Замон шиддатига монанд жиноят олами ҳам ўзининг манфур қиёфасини ўзгартиришга, энг замонавий технологиялар ёрдамида фойдаланиб, қора парда ортида туришга, бирор из қолдирмасликка тиришадиган, афкор оммани, ҳуқуқни химоя қилиш идораларини чалғитишга уринади. Базан энг тажрибали изкуварлар ҳам уларни аниқлашга оҳизлик қилиб қолиши мумкин. Фирибгарликни сув қилиб ичиб юборган жиноятчилар ўз қилмишларини яшириш мақсадида сохта далиллардан ҳам фойдаланишнинг, улардан қолган изларни оддий кўз илғай олмаслигини ҳисобга олсак, вазиятни ойдинлаштириш қанчалик мурраккаб эканлигини тушуниш мумкин. Боз устига жиноятчини топгандан кейин, айбни бўйича қўйиш ҳам осон эмас. Шунинг учун ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари содир бўлган жиноятни фош этиш жараёнида яна бир соҳа вакиллари хизматидан фойдаланишга мажбурдир.

Адлия вазирлиги қошидаги Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази ходимлари суд-тергов идораларига бу жараёнда бекиёс кўмак бериш салоҳиятига эга. Жиноятни очишда, жабрланганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклашда, адолатни қарор топтиришда бу соҳа ходимлари ўзига хос фонус вазифасини ўтаб беради десак, янгиликмаймиз.


— Муассасамиз 1951 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозир унда вилоятлардаги бўлинмалардан ташқари 5 та лаборатория ва 3 та бўлим фаолият олиб бормоқда, — дейди марказ директори Саттор Отақўжаев. — Лабораторияларнинг фаолиятига назар ташладиган бўлсак, уларнинг ҳар бири ўтказиладиган экспертиза йўналишига қараб ташкил қилинган. Хужжатларни криминалистик экспертиза қилиш лабораторияси экспертлари дастхат, имзо, хужжатлар, муҳр ва штамп излари, машина ёзувида бажариладиган матнлар, бўёқлар, қоғоз таркиби ва бошқалар бўйича криминалистик экспертизалар ўтказса, суд-баллистика ва ишзунослик тадқиқотлар лабораториясида қурол-аслаҳа ва улардан қолган излар тадқиқ қилинади.

Суд автотехника экспертизалари лабораториясида йўл-транспорт ҳодисалари жараёнини математик услублар билан тадқиқ қилиш, транспорт воситалари, улар айрим қисмларининг тех-

ник ҳолатини ўрганиш ва транспортни баҳолаш бўйича экспертизалар олиб борилади. Экспертизалар юқори малакали мутахассислар томонидан замонавий компьютерларда бажарилади. "НАСТ" дастури йўл-транспорт ҳодисаси вазиятларини тўлиқ таҳлил қилишга қаратилган 54 та саволни енчиш имконини беради.

Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси лабораторияси инсоннинг биологиялар ёрдамида фойдаланиб, қора парда ортида туришга, бирор из қолдирмасликка тиришадиган, афкор оммани, ҳуқуқни химоя қилиш идораларини чалғитишга уринади. Базан энг тажрибали изкуварлар ҳам уларни аниқлашга оҳизлик қилиб қолиши мумкин. Фирибгарликни сув қилиб ичиб юборган жиноятчилар ўз қилмишларини яшириш мақсадида сохта далиллардан ҳам фойдаланишнинг, улардан қолган изларни оддий кўз илғай олмаслигини ҳисобга олсак, вазиятни ойдинлаштириш қанчалик мурраккаб эканлигини тушуниш мумкин. Боз устига жиноятчини топгандан кейин, айбни бўйича қўйиш ҳам осон эмас. Шунинг учун ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари содир бўлган жиноятни фош этиш жараёнида яна бир соҳа вакиллари хизматидан фойдаланишга мажбурдир.

Суд-тергов бўлимлари ходимлари билан амалга ошириладиган махсус қуқунлар экспертизаси мамлакатимизда рекэт, порахўрлик, коррупция ҳолатларини аниқлашда, уларга барҳам беришда жуда кўп келмоқда.



лублининг қўлланилиши натижасида жуда кам микдордаги биологик излардан ҳам инсоннинг шахсини аниқлаш мумкин. Шу билан бирга, айни пайтда лабораторияда илгари судланган шахсларни генетик маълумотлари бўйича, "Миллий генетик паспортлар банки" яратиш устида ҳам ишланишлар олиб боришмоқда. Материаллар, ашёлар ва буюмларнинг криминалистик экспертизаси лабораториясида экспертизанинг 14 тури — гиёҳванд ва дори воситалари, психотроп моддалар, нефть ва ёнилғи-мойлаш махсулотлари, лок-бўёқ материаллари ва қопламалари, толали материаллар, металл ва қотишмалар, таркибиде спирт бўлган суюқликлар, шиша ва керамика, суд-тупроқшунослик, суд-экологик, суд-товаршунослик, суд-ёнгин-техникавий, резина, пластмасса ва полимер материаллари ҳамда турли ноъмалар моддалар бўйича тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб борилади.

Бугун марказ лабораториялари ва бўлимларида энг замонавий технологиялар ёрдамида турли қил суд-экспертизалари бажаришмоқда. Компьютерлашган CSL-4300 мосламаси ёрда-

мида шахнинг овози ва нутқини аниқлаш бўйича 90 фоиз аниқликка эришилаётгани ҳам эътиборга молик. Суд-тергов бўлимлари ходимлари билан амалга ошириладиган махсус қуқунлар экспертизаси мамлакатимизда рекэт, порахўрлик, коррупция ҳолатларини аниқлашда, уларга барҳам беришда жуда кўп келмоқда. Ўтказилган экспертизаларнинг натижалари асосида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилаётгани ва лаборатория фаолиятида суд-тергов идоралари ходимлари учун ўтказилган илмий-услубий ишлар ҳам жуда яхши самара бераёпти.

— Лабораториямизда турли касб эгалари — кимёгарлар, физик ва биологлар, фармацевт ва муҳандис техноклар меҳнат қилади, — дейди материаллар, ашёлар ва буюмларнинг криминалистик экспертизаси лабораторияси мудири Рокья Аҳмедова. — Биз дунёнинг энг ривожланган Америка ва Германия каби етакчи давлат фирмаларининг ўта сезgir замонавий асбоб-ускуналарини ва мослама-

ларига эгамиз. Булардан ташқари, оддий кимёгарлар, юпка қатламлари ва газ-суюқлик хроматография, спектроскопия, мас-спектрометрия ва бошқа усуллар ҳам қўлланилади. Ходимлар томонидан ишлаб чиқилган гиёҳванд дори воситалари ва психотроп моддалар, захарли моддалар, лок-бўёқ қопламалари, толали материаллар, ашёлар ва буюмларнинг криминалистик экспертизаси лабораториясида экспертизанинг 14 тури — гиёҳванд ва дори воситалари, психотроп моддалар, нефть ва ёнилғи-мойлаш махсулотлари, лок-бўёқ материаллари ва қопламалари, толали материаллар, металл ва қотишмалар, таркибиде спирт бўлган суюқликлар, шиша ва керамика, суд-тупроқшунослик, суд-экологик, суд-товаршунослик, суд-ёнгин-техникавий, резина, пластмасса ва полимер материаллари ҳамда турли ноъмалар моддалар бўйича тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб борилади.

Умуман олганда марказ ходимлари томонидан бажариладиган криминалистик экспертиза хулосалари Ўзбекистон Республикаси суд-тергов идораларига жиноятни тергов қилиш ва фуқаролик ишларини қўришда, жиноятчиликни таг-томири билан қўпориб ташлашда катта ёрдам бераёпти. Ходимларнинг фидойилиги, хизмат вазифаларига бўлган сидқиқидан ёндозилиши туфайли жиноятчилар ўз айб-ларига иқдор бўлаётди.

Иномжон АБДИЕВ, журналист.

Матбуотимиз равнақи: ким қандай фикрда?

1. Матбуотимизни янада ривожлантириш уфқини қайси ўлчамларда кўрасиз?
2. Ўзбек матбуотида танқид қандай ўрин тутиши керак, деб ўйлайсиз?
3. Иш фаолиятингиздан қониқасизми?



Дамин ЖУМАҚУЛ,
"Тафаккур"
журнали
масъул котиби:

Базан матбуотда танқидий материаллар ҳақоратга айланиб кетгани, жамият манфаати эмас, танқидчининг ёки "буюртмачи"нинг шахсий гарази устунлик қилаётгани сезилиб қолади.

1. Ўзбек матбуоти жадид боболаримиз давридан сўнг истиқлол йилларида қадар чўзилган катта танаффусдан сўнггина том маънодаги ривожланиш даврини бошлади. Бу даврда оммавий ахборот воситаларининг ҳар бири қучли рақобатга бардош бериш, зўрлардан зўр бўлиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Ана шу курашувчанлик, ўқувчи аудиториясини таллашиш матбуотнинг яшовчанлигини таъминлайдиган асосий омил бўлиши билан бирга жамиятнинг тобора демократлашиб бораётганидан дарак ҳамдир.

2. Инсон танасининг бирор жойида ички ва ташқи омиллар таъсирида беморлик юз берса, ўша аъзо оғриб сезги органлари орқали эгасини "хабардор" қилади ва вужуд соҳибни уни даволаш чораларини кўради. Сезги органлари ҳеч қачон бузила бошлаган аъзонинг аҳолига қараб сузлик қилмайди ва инсон миёсига ёлгон ахборот етказмайди.

3. Шунингдек жамият ҳам вақти-вақти билан ўзини тафтиш қилиб, носоғлом аъзоларини даволаб турмоғи даркор. Бунда жамиятнинг сезги органлари вазифасини матбуот бажаради. Модомики, матбуот жамиятнинг сезги органи экан, фақат ва фақат тўғри ахборот тарқатиш лозим. Базан матбуотда танқидий материаллар ҳақоратга айланиб кетгани, жамият манфаати эмас, танқидчининг ёки "буюртмачи"нинг шахсий гарази устунлик қилаётгани сезилиб қолади. Танқидчиликка ружۇ қўйиш, матбуотдан гаразли мақсадда фойдаланиш жамиятнинг демократлашганлигини суистеъмол қилишдан ўзга нарса эмас. Танқид керак. Фақат у холислик билан бирон бир масала ёки қамчиликнинг тузалишига хизмат қилмоғи зарур.

4. Нолондиган жойим йўқ. Қолаверса, ёзсангиз ўқувчининг эътиборини тортадиган жамиятта фойдаси бўладиган мавзулар жуда кўп. Қораламларингизни чоп этадиган нашрлар ҳам бисёр. Баҳоли қудрат ёзпмиз ҳам. Аммо эртага бугунгидан яхшироқ ёзиш учун нима қилмоқ керак?.. "Тафаккур"да эндигина иш бошлаган кезларимизда устоз журналистлардан бирини учратиб қолдим. Хол-аҳвол сўрашгач, у киши бундай деди: "Ҳали вақтли эди-ю, журналга. Бекор қилибсиз, энди ёзолмай қоласиз". Шу гапни айтганда у нимани назарда тутганини билмадим. Лекин мен унинг айтишларини журналда ўтириб ланжлашиб қоласиз, деган маънода тушунган эдим. Энди билсам, кўп ўқиб, кўп билганингиз сайин олдинлари кўзингизга жуда катта муаммодек кўринган айрим масалалар аслида арзимас бўлиб кўрина экан.

5. Кишининг эътиборини тортадиган жиддийроқ мавзуда қалам юргизиш учун эса кўплаб материаллар йиғишингиз, мавзуга доир манбаларни оммавий ахборот воситалари ва Интернет орқали кузатиб боришингиз, бадийий ва илмий адабиётларни титқилашингиз керак. Буларнинг барини жамлаб олган, фикрингизни раво ва лўнда ифодалаш учун боз қотиришингиз, жонингизни қийнашингиз даркор. Ана шундангина ўқувчига нимадир бера оласиз.

АВВАЛИ

Илгариги чиққан газетда...

Муҳаррам ойининг аввалида Шовдор туманида Чўқур қишлоқда Ҳасанбой деган уста Турсунбой ўлимини ҳовлисига тўрт алад ўғри эроний деворидин лаҳам (чўқур) қовлаб қириб олган таъна ва бир от ва икки сипир ва йипира сўмлик оҳангарлик (темирчилик) асбобларини олиб қириб кетибди. Ва алан ул ўғрилардин Холуқсайи ўғли ва Иброҳим девона Ризабой ўғли ушланиб маҳбус бўлбур ва ўзгаларини ҳам тобмоққа тарадуд бўлиб турубур.

"Туркистон вилоятининг газети" 28 июль 1872 йил

Жуҳудлар ўз қовлашлари билан вафот қилгон кишини ўшал он дафъатан мадфон (дафи) қиладурлар. Хатто анлог мутаваффа (ўлган кишини) аъзоси хунук бўлгуча ҳам сабри таҳаммул қилмайдулар. Бир жуҳудин ўн саккиз йонча баргон хизи ўлгон экан. Ул қизга вафот қилгон ҳамон тақфин (кафанлаш)

"Туркистон вилоятининг газети" 28 июль 1872 йил

ва таҳқиз(қиҳоз) айлаб тобутга олибдулар. Амо эҳтиёт билан оҳиста олиб қўйгон экан шул боисдин қизни аъзоси ҳаракат қилгони мафҳум (ақиқ) бўлмайду. Ҳосили калом ул қизни гўристонга элтиб акпун (энли) гўрга қўйладургон маҳалда қиз ҳушига келибду. Ҳушини ул аҳвол билан қўруб аммо қайси мавзуда тургонини фаҳмай олмай андак фурсат таҳайурда (ҳайратда) экан. Ба як бор гўрга киргуздуруғонларин билгоншин сўнг бенҳонит қўрқуб баланд овоз билан фарёд урубур. Ул йардаги барча ҳозир ҳалойиқ ҳайрон бўлб қолибдулар. Дарвоқе ул қиз вафот қилгон йўқ экан. Удум йўқусида йотгон экандур. Йотгон йаришини ўзи туруб ҳовлисига олиб келгонларидин сўнг андак рўза (қунда) ул қиз сўнг ва салим бўлб қолибур.

"Туркистон вилоятининг газети" 28 июль 1872 йил

иккинчи нумурда Хиванинг хонин ул тараф билан йиборган элчисин Темурхон Шўро деган шахрга агар рухсат бўлса, қиза керак деб йозиб эрдук. Йақин фурсатда андог хабар келдикки Хивани ул элчисин ҳам Темурхон Шўрога бориб ул ердин қайтибду. Ушбу қунларда Александровский деган урус шахрга келиб элчиларни сардорин ул ерда тўхтаб қичқилари Хивада олиб бўлбур йотган урусларин билб келмоқ учун Хивага қайтиб борар экандур.

"Туркистон вилоятининг газети" 17 июль 1872 йил

Ушбу йиғилиш аввали қунда йаъни жумоли аввалин саккизинчисин шабба қунин Хўқанд шахрида ҳам вабо касали зоҳир бўлиб деб хабар келди.

"Туркистон вилоятининг газети" 17 июль 1872 йил

Нашрга тайёрловчи: Аъзам УМАР

ИККИ МАНЗАРА

Ҳавас қилса арзийдиган даргоҳ

Тошкент ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги академик лицейга киришим ҳамон ҳарбийча кийинган йигитлар саломлашиб, нима мақсадда келганини сўрашди. Директор қабулхонасигача кузатишди. Тамбирдан эндигина чиққан баланд ва кўркам бинолар ўртасида кенг ва раво саф майдони. Ҳарбий соҳага оид плакатлар бўйлаб, баланд зинадан кўтариласиз. Ойнаванд эшиклардан сизни қатъий тартибга йўғрилган илиқ бир муҳит қаршилади. Қабулхонадаги осойишталик, раҳбар ва ўқитувчиларнинг ўзаро муомала маданияти бу ерда ҳамма "темир интизом"га бўйсинишидан далолат беради.

Ушбу ўқув маскани дастлаб 1992 йилда ташкил топган бўлиб, ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи деб юритиларди. 2007 йилда у қайта ташкил топиб, икки йиллик ўқув дастуридан уч йиллик таълим босқичига ўтилди. Биз ҳиқоя қилаётган Тошкент ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги академик лицейи Тошкент ахборот технологиялари университети қошида фаолият юртади.

Кенг ва ёруғ ўқув хоналари, замонавий лабораториялар, эликка яқин компьютерлар жойлашган ахборот-ресурс маркази, ҳарбий машқлар ўтказиладиган майдон, спорт машғулотлари учун ўйингоҳ, чим ётқизилган футбол майдони, ошхона ва ётоқхоналарни қўриб, кўзингизга яйрайди. Ҳар 2-3 ўқувчига алоҳида шинам хона, ҳар беш болага ҳамма қулайликларга эга ювиниш хоналари.

Ўстириш, меҳнат қилиш, спорт билан шуғулланиш учун қатъий кун тартибининг жорий этилиши... Назаримизда, бу сингари ишларни ҳар қандай оилада мунтазам йўлга қўйиш анча кийин кечади, — дейди 2-босқич

Катта дарвоза ёнидаги шинам, кенг хона ота-оналарнинг фарзандлари билан учрашуви учун мўлжалланган. Бу ер ҳам барча зарур жиҳозларга эга, саранжом-сарийштали.

— Уғлим Шохруҳ Абдувалиевни кўрганимизда Фалларол туманидан келдим, — деди ўзини Салимаҳон Азимова деб таништирган аёл. — Сизга айтсам, шу кенга фарзандим бир ярим кило турилган. Қалпоққа солиб, катта қилганман, десам ишонмайсиз. Авиасоз муҳандис бўламан, деб туриб олса денг. Аммо хужжат-

ларини тайёрлаш қийин экан. Сочидан тирноғигача қайта-қайта дўхтирдан ўтказишди. — Хўш, қандай энди, кенжанинг хурсандим? — сўрайман онадан. — Икки ойда анча ўзгарди. Гаплари, ўзини тутишлари бошланди. Бўйи икки сантиметрга ўсди. Ҳар жуда хурсанд. Ая, дейди, ўқишларим яхши, сиз ҳеч хавотирланманг, овқатлари мазази, сарийғ, пишлоқ, колба-

са, тухум беради. Вой, барака топсин ўқитувчилари! Директорига ҳам раҳмат!

Лицейда 25 нафар ўқитувчиндан ташқари ўн нафар командирлар ҳам бўлиб, улар болалар билан ўқишдан бўш пайтларда шуғулланишади. Ҳарбий ҳамда спорт машғулотларини ўтказишади. Ҳар ўттиз нафар болага битта командир бўлиб, йигитлар ётоқхона ва кийим-кечақлари учун масъул катта лейтенант назорати остида истикомат қилади.

Йигитларни янги ҳарбий кийимларда суратга олиш учун борганимизда, улар тил байраги тасвирини асосида қабул қилсангиз, — дедим яна оҳиста.

— Э-э, кўп маҳмадонлик қилмай кутинг! — деди директор шартта кесиб. Мен эшикни секин ёпдим. Қарийб ярим соатлардан кейин навбатим келиб, ичкарига кирганимда, директор темир йўл транспорти коллежи хуқусида ҳеч қандай маълумот беролмаслигини, умуман матбуотда чиқишни хуш кўрмаслигини айтди. Мен у кишига "ОАВ тўғрисидаги қонулардан хабардор эмасмизми, саволларимга илтимос, жавоб берсангиз" дедим. Директор ўзини ҳар томонга солиб, калованди. Ахийри, эртага келсангиз, саволларингизга жавоб бераман, — деб ваъда берди.

Эртасига коллеж директори Икром Камолов тайинлаган вақтдан ярим соат илгари қабулхонада бўлдим. Бугун ҳам кечаги аҳвол: ота-оналар, ўқувчилар, яна аллақимлар эшикдан кўз узмай навбат пойлашарди. Ичкари қирмоқчи эдим, ота-оналар эшикка қўндаланг бўлишди.

Миробод туманида жойлашган Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежи директори қабулхонаси ота-оналар, ўқувчилар билан гавжум эди. Ичкарига кирган одам бир соатлар чамаси чиқавермагач, кутаётганлар асабийлаша бошлади. Секин бошлик хонасига бош суқдим. Кирган одам стулга тескари ўтириб олиб, хиринглаб сўзлар, директор бир уюм қозғоларга тез-тез муҳр босганча, қулқовларини унга қаратганди.

— Кенчирасизлар, одамлар кутиб қолди, — дедим.

— Бу ерга сизлар келгансизлар, мен чакирмадим, — деди директор елкаларини қисиб ва «Мендан нима хоҳлайсиз» дегандай қараш қилди.

— Бу ерга сизлар келгансизлар, мен чакирмадим, — деди директор елкаларини қисиб ва «Мендан нима хоҳлайсиз» дегандай қараш қилди. — Энди, ҳаммамиз ҳам хизматдаги одамимиз... тезроқ қабул қилсангиз, — дедим яна оҳиста.

— Э-э, кўп маҳмадонлик қилмай кутинг! — деди директор шартта кесиб.

Мен темир йўл транспорти касб-хунар коллежининг ётоқхонаси томон йўл олдим. Ётоқхона биносига яқинлашганим ҳамон шовқин-сурон кўтарётган болаларнинг овозларини эшитдим. Кимдир хуштакка зўр бериб, болаларни тезларди. Ёнимдан ўтаётган боладан нима бўлаётганини сўраган эдим у: — Ҳа, ўзи шунақа, бу ерда ҳар кун бунақа «бақир-чақир»лар бўлиб туради, — деди бепарво қўл силтаб. Зинадан кўтарилган бошлагандир, юқоридан бир нарис тап этиб олдимга тушди. Бундоқ қарасам, оёқларим остида бир пой эски "красовка" шалпайиб ётибди...

Эртасига, ундан кейинги кун ҳам коллеж директорини учратганим имкони бўлмади. Қўл телефони ҳам узундан-узун қўнғироқларга жавоб бермади. Қизик, қабулхонада одамлар ҳамон гавжум, хозир раҳбар пайдо бўладигандай кўзлари умидвор тикилади. Котиба қиз қатманлар, энди келмайди-лар, дейишига қарамасдан, зора келиб қолса, бугун ишни битказсам, поездга ўтириб жўнаворсам, — деб ўнлаб одамлар илҳақ термулишарди.

Ажаб! Бу жойни "кутиш майдони"га айлантиргансиз чоғи, деб коллеж директорини сўрагани келадди кишининг. Аслида-ку бундан-да зарур саволларимиз ҳам бор эди, аммо у одамнинг ўзини учратиш мушкул экан. Қолаверса, омаднингиз қолиб, у кишини учратдингиз ҳам дейлик. Жавоб тахминан журналистларга шундай бўлади: "Эртага келинг..."

— Кенчирасиз, кеча мен шу соатда қирши учун рухсат олганман, — дедим.

— Кеча экан-ку, биз уч кундан буён ишимизни битказолмаймиз, — дея хуноб бўлди



Мамлакат НОРМУРОВОДА, "Hurriyat" мухбири.

Мижозлар манфаати устувор



Бу тамойилни ДАТ "Асака" банк Наманган ва Сурхондарё вилоят филиаллари фаолиятида кўриш мумкин

Қайд этиш лозимки, мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона иқтисодий сиёсат ва кенг қўламли ислохотлар аҳоли турмуш даражасини янгилашни устувор вазифа деб билаётган молиявий муассасаларни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Фуқароларга қулай, манфаатли ва малакали хизмат кўрсатиш даражасининг етук ва фидойи кадрлар ҳисобиغا ривожланаётгани ва ўз навбатида банкларнинг имконият излаб юрган тадбиркорлар ҳамёнига даромад кўшилишининг бекиёс омили бўлаётганлиги, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, шарт-шароитлар яратиб берилаётганлиги фикримизнинг амалий ифодасидир. Зеро, XXI аср ҳаммадан хоҳ юридик, хоҳ жисмоний шахс мақомида бўлсин доимий ўзгаришни, янгилашиб туришни тақозо қилади. Бу ўз-ўзидан молиявий муассасалар зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклайди. Шу боис ҳам юртимизда фаолият юритаётган банкларда яхши бир анъана шаклланди. У "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" шиорига қатъий амал қилган ҳолда иш юритишдир.

ДАТ "АСАКА" БАНКнинг Наманган вилоят филиали ҳам республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга ўзининг камтарона ҳиссасини қўшишга интилиб келмоқда. Президентимизнинг соҳага оид қабул қилинаётган фармонларида ҳам



банк тизими ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини кредитлаш, нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари пул айланишини қисқартириш, банкларда депозит ҳисобварақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари энг муҳим вазифалар сифатида белгиланган. Маълумки, "Асака" банкнинг Наманган вилоят филиали ҳудуддаги йирик молиявий муассаса ҳисобланиб, халқ ҳўжалигининг енгил саноат, автотранспорт, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа турли тармоқлари таркибига кирувчи мижозларга хизмат кўрсатади. Филиал мижозлари сони шу йилнинг 1 октябрга ҳолатига жами 1995 та бўлиб, шундан юридик шахс мақоми олга ҳўжалик субъектлари 950 та, юридик шахс мақоми олмаган тадбиркорлар сони эса 1045 тани ташкил этади. Жорий йил бошига нисбатан мижозлар сони 123 тага қўпайгани ҳам молиявий муассасада олиб борилаётган оқилона сиёсат ва фидойилик билан амалга оширилаётган ишлар қўламининг кўринишидир.

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида филиал даромади 937,9 миллион сўмга тенг бўлиб, соф фойда 50 миллион сўмни ташкил этди. Қувонарлиси, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан соф фойда миқдори 29,6 миллион сўмга қўпайган.


Филиалнинг кредит портфели миқдори 9200,0 минг сўмни, шундан узок муддатли кредитлар 5.250,0 минг сўмни ташкил этди.

Вилоятдаги кўпгина корхоналар, фирмалар молиявий муассаса қўмағидан фойдаланиб, ўз иқтисодини мустаҳкамлаб олди. Тадбиркорларнинг молиявий имкониятлари мустаҳкамланди. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар асло хорижикидан қолишмайди. Рақобатбардошлиги, аҳоли эҳтиёжларига мўнадлиги билан нафақат вилоят, республикада ҳам истеъмолчиларга манзур бўлаётгани таҳсинга сазовор. Шунингдек, банкнинг қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини кредитлаш орқали тизимда фаолият олиб бораётган корхона ва агрофирмаларни қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам салмоқли ишларнинг амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун берилган кредитлар қолдиғи шу йилнинг тўққиз ойи давомида 4700 миллион сўмни ташкил этди. Бизнес соҳасига 4259 миллион сўм миқдоридан; саноатга 3750 миллион сўм; қишлоқ ҳўжалигига 70 миллион сўм; қурилишга 80 миллион сўм ва бошқа тармоқларга 359 миллион сўм кредитлар ажратилди. Аёллар тадбиркорлигига кенг йўл очиб бериш, уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам ўз самарасини бераётир. Жумладан, Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан 24 та тадбиркор аёлга 66,4 миллион сўм миқдоридан кредитлар ажратилди.

ДАТ "Асака" банкнинг Наманган вилоят филиали халқ ҳўжалигининг барча соҳаларига малакали хизмат кўрсатиш билан бирга, ҳар бир оилага кириб бориб, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга ҳам ўзининг улушини қўшишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-

қувватлашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ёш оилаларга ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган истеъмол товарлари ва уй-жой харид қилиши учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан мазкур йилнинг 9 ойи мобайнида 63 та фуқарога 170,8 миллион сўмлик истеъмол кредитлари, 13 та фуқарога эса 387,1 миллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилди. Натижада катта ҳаёт оstonасига энди қадам қўяётган қўпайиб ёш оилалар банк кредити ҳисобига уй-жойли бўлди, зарур маиший жиҳозларни харид қилди. Бу албатта, уларнинг мустақил юртнинг бахтдан масрур навқирон оилалари сифатида тинч-тотув яшашига имконият яратмоқда. Бундай оилаларда эса шубҳасиз, эртага мамлакатимиз тараққиётининг тиргақлари бўладиган соғлом ва билимдон фарзандлар дунёга келади.

Республикада чорвачиликни ривожлантириш, аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини тўлақонли қондириш, кам таъминланган оилалар турмуш даражасини яхшилаш, қолаверса, жаҳон талабларига мос экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш борасида ҳам молиявий муассасада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, республикамиз Президентининг "Шахсий ёрдамчи дехқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 48 та фуқарога чорва моллари харид қилиш учун 68,8 миллион сўм



миқдоридан кредит берилди. Мазкур маблағлар фуқароларнинг турмуш даражалари фаровонлашуви, имкониятлари қўламининг кенгайишига катта ёрдам бераётти.

Шу билан бирга нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича ҳам муайян тадбирлар дастури изчил амалга ошириб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш турган пул маблағларини банк айланишига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида банк кассасига нақд пул тушуми қўпайтириш борасида бир қатор чора-тадбирлар кўрилиб, жами банк кассасига 22793,3 миллион сўм нақд пул тушди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш қўламининг ошириш, савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаларида терминаллар ўрнатиш ва фаолиятини юргизиш борасида банкда тегишли ишлар амалга оширилиб, 108 та терминал ўрнатилди ҳамда 12300 та пластик карточкалар муомалага чиқарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва бошқа тегишли қарорларнинг ижросини таъминлаш борасида бозорлар фаолиятини ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, сотувчилар ва харидорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, истеъмол товарларининг чакана савдосини тартибга солиш бўйича кун тартибдаги қатор долзарб вазифалар босқичма-босқич амалга оширилиб борилаётти. Маълумки, ҳозирда тижорат банклари олдига турган устувор ва долзарб вазифа — узок масофада жойлашган ҳўжалик субъектларига сифатли молиявий хизматларни кўрсатиш ва уларнинг қўламлигини ошириш мақсадида хизмат қиландиган мини банклар ташкил қилишдир. Ҳозир "Асака" банкнинг Наманган вилоят филиалида 5 та мини банк

шохобчаси мавжуд бўлиб, улар куйидаги ҳудудларда жойлашган: Чуст туманидаги "Чуст" мини банки, Наманган туманидаги "Ирвадон", "Жаҳон бозори", "Шербулоқ" ва "Машад" мини банклари. Мазкур мўъжаз молиявий шохобчаларда ҳўжалик субъектлари сони 177 тани ташкил этиб, 9 та ходим хизмат кўрсатади ва олинган соф фойда жорий йилнинг тўққиз ойи даво-



мида 49,8 миллион сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, мижозларга хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилаш мақсадида Чортоқ туманидаги буюм бозори ҳудудидан ҳам "Чортоқ" мини банкни очиб режалаштирилган бўлиб, айна пайтда таъмирлаш ишлари ниҳончи етказилмоқда. Келгусида ҳам бу тармоқ фаолиятини янада кенгайтириб, чекка-чекка туманлар аҳолисига ҳам барча банк хизматларини кўрсатиш мақсад қилиб қўйилган.

"АСАКА" ДАТ (ОАЖ) БАНКнинг Сурхондарё вилоят филиалида ҳам аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Бу борада банк мижозларига бир талай тезкор, сифатли ва ишончли молиявий хизматлар кўрсатиляпти.

Хусусан, фуқаролар учун юқори даромад келтирувчи миллий валютада 11 турдаги омонатлар жорий этилган. "Мадад-2007" омонатига йиллик 18 фоиз даромад тўланади, сақлаш муддати 1 йилгача, "Қалдирғоч" омонатига йиллик 18 фоиз, "Меҳнат" омонатига 17 фоиз, "Оқ олтин" омонатига 17 фоиз даромад тўланиб, 4 ой муддатга қабул қилинади. "Пахта" омонатига 1 ой муддатга йиллик 17 фоиз, "Умид" болалар омонатига эса 3 ой муддатга жойлаштириш мумкин, унинг йиллик даромади 18 фоизни ташкил қилади. "Пластик карточка" жамғарма омонати 1 ойдан ортик муддатга очилади ҳамда йиллик 14 фоиз миқдоридан даромад тўланади. Сурхондарё вилоятдаги филиалда 2 та мини банк ва 4 та жамғарма кассаси фаолият кўрсатиб, уларнинг барчасида жисмоний шахслар омонатлари билан ишлаш йўлга қўйилганлиги ҳам жалб қилинадиган аҳоли маблағлари миқдорининг қўпайишига хизмат қилмоқда. Фуқароларнинг бўш турган маблағларини муомалага жалб қилиш орқали банкнинг омонатчилари, кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилишда ижобий натижаларга эришилди.

Шунингдек, молиявий муассасада даромадини янада ошириш мақсадида янги замонавий банк хизматлари ҳам йўлга қўйилган бўлиб, аҳолига ва мижозларга жойларда тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, янги халқаро пул ўтказмалари тизимларининг фаолияти филиалда ва филиал тасаруфидидаги мини банкларда йўлга қўйилган. Шу сабабли ҳам мижозлар сони тобора ошиб бормоқда.

Айна пайтда банк билан ҳамкорлик қилаётган халқаро компаниялар билан биргаликда "Вестерн юнион", "Быстрая почта", "Близко", "Юнистрим" сингари арзон, тезкор ва ишончли пул жўнатмалари ишга туширилган бўлиб, улар орқали шу йилнинг ўтган 9 ойи давомида 28 мингдан зиёд мижозга хизмат кўрсатилди.

Фуқароларнинг номига юборилган пул маблағларини ўз вақтида олишларида қўламлиқ яратиш, мижоз-



лар сонини янада қўпайтириш мақсадида халқаро пул ўтказмалари шохобчалари аҳолига қўламлиқ жойларда очилиб, етарли миқдорда нақд хорижий валюталар билан таъминланиб, шохобчалар ҳафтанинг иш кунларидан ташқари, шанба кунлари ҳам фаолият юритмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида филиал томонидан пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, улардан чакана савдо, коммунал хизматларга ва хизматларнинг бошқа турларига ҳақ тўлашда фойдаланиш, шунингдек пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш борасидаги ишлар кенг йўлга қўйилган бўлиб, бу орқали вилоят миқёсида нақд пул айланишини қисқартиришга эришилмоқда. Жумладан, филиал томонидан 198 та бюджет ташкилоти ҳамда хусусий фирма ва фермер ҳўжалиқлари билан "маош-лойиҳа" шартномаси тузилиб, шу йилнинг тўққиз ойи давомида 14256 дона пластик карточкалар мазкур шартнома орқали, 1409 дона пластик карточка эса жисмоний шахсларга тарқатилган. Шу йилнинг 1 октябрга ҳолатига мижозлар қўлидаги пластик карточкада турган маблағ қолдиғи 346,2 миллион сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 мартага ошди. Яъни қолдиқ суммаси 144,8 миллион сўмга қўпайган. Бу эса пластик карточкалар қўламлиги, афзаллиги ва ишончлилиги, у орқали мамлакатнинг исталган жойида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш мумкинлигига аҳоли ҳамда мижозларнинг ишончи тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Филиал ва мини банклар томонидан жами 76 дона терминал ўрнатилган бўлиб, 13 та терминал орқали коммунал тўловлар ва бошқа хизматларга, 63 та терминал орқали эса савдо шохобчаларидан аҳолига нақд пулсиз хизмат кўрсатиб келинаётти. Шунингдек, мини банклар томонидан 2008 йилнинг ўтган 9 ойи давомида кредитлаш соҳасида ҳам бир қанча ибратли ишлар амалга оширилди. Хусусан, кичик бизнес субъектларига 1368,2 миллион сўм кредит ажратилиб, шундан 1284 миллион сўм банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан, 9,2 миллион сўми бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан, 75 миллион сўм эса Осие Тараққиёт банки кредит маблағлари ҳисобидан берилди. Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалик корхоналарининг техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида "Класс — Доминатор" галла ўриш комбайни сотиб олиш учун 730 миллион сўм кредит йўналтирилди.

Шу билан бир қаторда паррандачиликни ривожлантириш учун тадбиркорларга филиал томонидан 61 миллион сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросидан келиб чиққан ҳолда ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва уларни капитал реконструкция қилиш учун ҳам ипотека кредитлари ажратилмоқда. Шу мақсадда жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида жами 519



миллион сўм кредит ажратилиб, шундан 448 миллион сўм имтиёзли кредит ёш оилаларга имтиёзли фоизлар асосида берилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси "Истеъмол кредити тўғрисида"ги Қонунининг филиалдаги ижросини таъминлаш мақсадида жами 210 миллион сўм истеъмол кредити берилиши режалаштирилган. Шундан 81,4 миллион сўми имтиёзли кредит ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилди. Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида эса 112 нафар кам таъминланган оилага 148,7 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "2008-2012 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида дастурда белгиланган ва шу йил амалга оширилиши режалаштирилган 43 та лойиҳага ДАТ "Асака" банкнинг Сурхондарё вилоят филиалидаги 3 та мижози киритилган бўлиб, ушбу корхоналар томонидан инвестицион дастурни амалга ошириш бўйича ҳамкорликда ишлар олиб борилаётти.

Мухтасар қилиб айтганда, молиявий муассасаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида ҳамда аҳолига ва тадбиркорларга кўрсатилаётган бекиёс гамхўрликлар самараси ўларок, банк ва мижоз ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб бормоқда. Республика ДАТ "Асака" банк, жумладан унинг Наманган ва Сурхондарё вилоят филиалларида молиявий хизматларнинг салмоғи ва сифати кун сайин ўсиб бораётгани, мазкур молиявий муассасаларнинг юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, биринчи галда мижоз манфаатлари қўллаб-қувватланиши иш мезонига айланган.

МАЪНАВИЯТ

ҲАМКАСБ

Ўзанини топар дарёлар

Абдулла ака билан анчадан буйи оғанилигимиз бор. У киши "Оққўрғон овози" газетасида узоқ йиллардан буйи муҳаррирлик қилади. Яқинда менга "Етти ота" номли китобини совға қилдилар. Уйга келиб, китобни ўқидиму ҳайрон қолдим. Мен таниган Абдулла Маъдиев ўзбек шеърятига муносиб ҳисса қўшган Юсуф Сарёмийнинг чевараси экан. Шуниси қизиқки, ўзаро суҳбатларда Абдулла ака бу ҳақда бирон марта ҳам сўз очмаган эди. Шундан кейин бу камтарин инсонга бўлган меҳрим янада ошди.



Сарёмий (1840-1912) ёшлигидан адабиётга кўнгли бўлиб, Навоий, Бедил, Аҳмад Яссавий ва Фузулий асарларини кўлдан кўймак экан. У дастлабки таълимни отасидан олган бўлиб, Тошкент ва Бухоро медресаларида ўқиб, илм ўрганган. Айтишларинча, унинг хусниҳати низоҳатда чиroyли бўлган, ўз даврининг аjoyиб хаттоти саналган. Туғилган юрти Сайрамдан Тошкентга от миниб келар, шеърхонлик, газалхонлик давраларида иштирок этарди. Тошкентлик шоирлар Камий, Тавалло, Хислатлар билан дўст туриб, ҳар гал келганида уларнинг уйларига таширф буюрар.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Тошкентдаги адабий ҳаёт "Кўкалдош", "Беклар беги", "Барокхон", "Хўжа Аҳрор" медресаларида қизгин кечганлиги, бу илм даргоҳларида ўз вақтида Фуркат, Мухимий, Камий, Ахтарий, Хислат, Мискин ва Сидқий-Хондайликни каби шоир ва хаттотлар таълим олишган. Юсуф Сарёмий улар билан яқиндан ижодий мулоқотлар қилганлиги ҳам тарихий маълумотларда сақланган.

Шоирнинг шеърлари ўз даврида турли баъз тўпламларида чоп этилган. Лекин унинг яхлит шеърлар тўплами вафотидан кейин босилди. 1914 йилда шогирди Тавалло унинг асарларини йиғиб, "Девони Маълавий Юсуф Сарёмий" номи билан китоб чикарди. Лекин унга шоирнинг кўплаб асарлари кирмай қолган. 2002 йилда шоирнинг "Девон"и чоп этилди. Унга профессор Беғали Қосимов билан андижонлик оlima Муқаддас Тожибоева бош бўлишди.

Адабиётда шубҳасиз Сарёмийнинг ўз ўрни ва ёрқин изи бор. Шоирдан кўплаб асарлар қатори уч ўғил қолди. Кейинчалик фарзандлари — Маъди, Маъдазимлар кўпайишиб, азим чинорга айланди. Маъди Маҳсим етти фарзанд кўрди, 3 ўғил, 4 қиз. Ўғиллари — Мадамин, Убайдулло ва Зикрилло. Абдулла ака шу Зикриллонинг тўнғич ўғли, демак Сарёмийга чевара!

Абдулла Маъдиев журналистика бўйича ўқишни битирган бўлса-да, узоқ йиллар ўз соҳасида ишламади. 1988 йилда, орадан 16 йил ўтиб, "Мўл ҳосил учун" (ҳозирги "Оққўрғон овози") газетасига муҳаррир бўлиб ишга келди. Ҳаёт синовларидан ўтган, катта тажрибага эга бўлган Абдулла акага газетани ишлаб кетиш осон бўлгани йўқ. Адади низоҳатда камайиб кетган, сифатсиз чоп этилаётган газетани ўқимай, танқидий-тахлилий мақолалар даярли берилмас, кўпроқ куруқ хабар ва ҳисоботлар билан кифояланарди.


Мустақилликка эришганимиздан кейин газетанинг номи ҳам "Оққўрғон овози" деб ўзгарди. Тахририятга ёш, қалами ўткир журналистлар таклиф этилди. Орадан уч-тўрт йил ўтиб, газета Тошкент вилоятидаги энг намунали туман газеталаридан бирига айланди.

Абдулла аканинг "Умрим зарвараклари", "Зулматдан зий", "Етти ота" номли китоблари чоп этилган. У доимо буvasи ижоди билан қизиқиб, унинг янги кўлэмаларини топишда, китоблари чоп этилишида жонбозлик кўрсатмоқда. Жумладан, 1990-2004 йиллар оралиғида Юсуф Сарёмийнинг ота-боболари ва унинг фарзандлари ҳақида иккита китоб чоп эттирди. Ўтган йили эса шаҳара ҳақида хикоя қилувчи "Етти ота" шеърий достони ўқувчилар томонидан илқ кутиб олинди.

Туман газетаси бугунги кунда қайноқ ҳаёт ва улкан ўзгаришлар ичида. 3-4 ходим билан газетани ўқимайши ва сифатли чиқаришда муҳаррир Абдулла Маъдиев доимо изланишда.

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Ижод майдонига биров шиддат билан кириб келса, биров оғир-вазим, камтарлик билан қадам қўяди. Шоир Ахтамқул Карим (Ахтамқули)нинг ижод бўстони кириб келиши кейинги таърифимизга тааллуқли. Ахтамқул ижод майдонида қадам қўйгунига қадар анча-мунча ҳаёт йўлларини босиб ўтди, озми-кўпми қийинчиликларни бошидан кечириб тажрибага эга бўлди. Сурхон вилоятининг чекка бир қишлоғида таваллуд топган бу оддий йигит ўрта мактабни тугатган, харбий хизматда бўлди, туманидаги хўжаликда ишчи, кейинчалик эса ҳосилот бўлиб ишлади. Дала кездди, оддий одамлар билан елка-ма-елка туриб ишлади, меҳнат қилди, уларнинг ҳаёти, характери урганди. Иборали қилиб айтганда, у "Ҳаёт қозонида обдон қайнади".



Хол унинг юзида кетди,
менда қолди кўп хаёл.
Энди ҳар кун бу юракда
битта хол пайдо бўлур,
Балки умрим ҳолининг
ҳижронидан топгай завол
деб, ёрнинг қора холи унинг юра-
гини парча-парча қилганини дард
билан ёзади.

Ёки:
Нега нолиб яшайсан, берганига
шукр қил,
Кўзинг ёруғ дунёни кўрганига
шукр қил.

Баҳор билан қўшилиб,
дарвозангга бош уриб,
Айвонингга қалдирғоч кирганига
шукр қил,

— дея, инсон зотининг ўтган кунига шукрона айтиб яшайи лозимлиги, ҳадеб дунёнинг ишларидан нолиб, норози бўлиб яшаш — худого ҳам, бандасига ҳам уш келмаслигини таъкидлайди.

Шоирнинг қалбида узоқ йиллар давомида қайнаб ётган пўртана охири отилиб кетди — матботда унинг бирин-кетин шеър, ҳикоятлари босилиб чиқа бош-

Ахтамқулининг тинимсиз изланишлари, ижодни ҳаётининг мазмуни деб билиши мана бугунга келиб ўз мевасини берди. Ижодкорнинг кейинги икки-уч йил ичида "Бодомгинан", "Қорачиқда асраганларим" шеърый тўпламлари, "Ибратли ҳаёт", "Бахт излаган

Кўнгли оҳанглари

лади, назарга тушди. Тўғри, ҳали булар ҳаваскор бир шоирнинг машқлари эди.

Унинг қалбида доимо ёзиш, ижод қилишга ундаб, безовта қилиб турувчи нимадир борлиги, ammo бироз маҳорат етишмаслигини ўзи ҳам ҳис қиларди. Ана шу ўй-хаёл, орзулар уни Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий Адабиёт курсига етказди. Ахтамқули бу улғ даргоҳда тажрибали устозлардан ижоднинг нозик, ўзига хос томонларини ўрганди. Ёзди, маш қилди, ўқиди, изланмоқда. Пойтахт — бағрикенг Тошкентда кўплаб устоз, ижодкор дўст-қандорлар орттирди, уларнинг эстагидан маҳкам тутиб, ижод сирларини ўрганди, тинмай изланиб, ўз устида кўнт ишлади.

Инсон меҳнат қилса, ҳузур-ҳаловатидан кечиб изланса, ўрганса, асло кам бўлмай ўз меҳнатининг натижаларини кўради, улардан завқ олади, кунчиға куч қўшилиб, янада юксак марраларни кўзлаб, олдинга қараб интилаверади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

одам" биографик қиссалари республикамизнинг нуфузли нашриётларида чоп этилди. Муаллифнинг мазкур асарлари ўз ўқувчиларини топиб, адабиётимизга дадил қадам билан яна бир ўзига хос овозга эга ижодкор кириб келганлигидан хушхабар берган бўлса, ажаб эмас.

Мана, яқинда шоирнинг "Баҳоримдан кечиккан гул" номли яна бир тўплами нашр этилди. Бу анча салмоқли китобдан шоирнинг турли йилларда ёзган шеърлари ўрин олган. Шеърлар асосан она Ватан, инсонийлик, муҳаббат, вафо мавзуларини ўз ичига олган. Тўпламда бағишловлар ҳам бўлиб, бошқа шоирлар газалига тахми ҳам болган.

Шоир "Мустақиллик майдони" номли шеърда:

Онамдай меҳрибон бир зотни
кўрдим ушбу майдонда,
Боламдай қалби пок дилшодни
кўрдим ушбу майдонда
деб, она тимсолида жондан азиз
мустақилликни мадҳ этса,
Кундузимни қора қилди, ё эгам,
бу қора хол,

Ахтамқулининг тўпламидан жой олган тўртликлари ҳам ўзига хос услубда битилган. Одатда тўртликларда қисқалик, чуқур мазмун, сиқик фалсафий мушоада жамланган бўлади. Шоирнинг аксарият тўртликларида ана шундай чуқур мазмун ўз аксини топган. Шоир бир тўртлигида:

Чумолига ҳавас қиламан,
Қанча бўлса сигар инини,
Аmmo одам боласи нечун,
Сигмаяпти рўйи заминга
деб, инсоният учун энг ёмон иллат ҳисобланган очкўзлик, баднафслик, худбинликни қораласа, бошқа бир тўртлигида:

Ҳар қандай бош,
бош бўлолмагай,
Кесак қотган билан
тош бўлолмагай.
Белин юз жойидан
бойлаган билан,
Ёши ўтган киши ёш бўлолмагай
деб фалсафий мушоада юритади. Бу билан ҳар бир инсон ёшига,

Шоир Ахтамқул Карим ижодига бир назар

ҳолатига қараб иш тутса, ортиқча чиранмаса, эл-улус олдида уялиб, юзи шувут бўлмади, демокчи бўлади.

Ахтамқулининг мазкур шеърый тўпламида яна бир неча сара шеърлар, тўртликлар жамланганки, улар ўқувчида хуштаассурот қолдиради, уни ўйлашга, мушоада қилишга ундайди.

Тўпламдан жой олган шеърларни диққат билан мутолаа қилганда, уларда оддийлик, самимийлик, инсонийлик, ички бир дард, ўзига хос кечинмалар акс этганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Одатда шоирини шоир сифатида юзага чиқарадиган ҳам ана шу хислатлар бўлади. Ҳа, агар шоир ҳиссиётларини тизгинлаб, айтмоқчи бўлган ҳар бир фикрини ақл тарозусига солиб, улардан унумли фойдаланса, шундагина унинг ижоди кўпчиликка манзур бўлади. Булар бевосита бугун ижоди ҳақида баҳоли қудрат фикр юритаётганимиз — шоир Ахтамқулига ҳам тегишлидир.

Лекин муаллифнинг "Баҳоримдан кечиккан гул" тўпламидан жой олган шеърларнинг ҳаммасини ҳам маромига етган, барчага бирдек манзур бўладиган асарлар сирасига киритиб бўлмайди.

Негаки, баъзи шеърларида шакл мазмунга нисбатан устун келганлиги жиҳатлари учраса, айримларида шунчаки ҳиссиётга берилиш жиҳатлари ҳам мавжуд. Аммо шоирдаги астойдил интилиш, ижоддек машаққатли, заҳматли кўнгли майлига сидқидилдан киришиш, маъсуляти, ўз устидан ишлаш каби фазилатлар ўқувчини юқорида айтиб ўтилган қусурлардан кўз юмишга мажбур қилади.

Ҳа, Ахтамқул Карим ҳали ижод деган катта йўлнинг бошида турибди. Унинг ижоди баракали, сеvimли бўлишига тилақдошимиз.

Юсуфжон ҲАМДАМОВ,
филология фанлари номзоиди.

КУЛОҚКА ЧАЛАНГАН ГАПЛАР

Ажойиб итим бор, ўғри қирганда
оққисиласам, ётиб олиб, думини
ялайди.
(Болакайнинг мақтаниши)

Деразадан тушаётган ойдин қизнинг сочини,
ялонғоч елкасини ёртиб турар, ой бу оқишом
фақат шунинг учун чиққанга ўхшарди.
(Ёш қаламкашнинг ҳикоясидан)

Қизнинг жалаанглаб турган кўзларининг кўзимга
игнадек санчилганини кўриб, юракларим тутдай
тўкилди.
(Ҳикоядан)

Очқ деразадан майнинг майин шамоли эсаёт-
ганини ҳаёлим тасаввур қалар эди.
(Радиоочеркдан)

га итариб юборишадиди-да, "Вой ўлмасам, кийим-
бошимиз ифлос бўтти-ю, кела қолинг ювиб,
тозалаб бераман" — дейишди.
(Қишлоқдошлар суҳбатидан)

Ҳужрада бутун тун бўйи якка қарибининг позик
дилдай чироқ митилалайди. Ўйлаб қарасам,
ҳақиқатдан, қарга қўнадиган бутогим ҳам йўқ
жан...
(Ёлғиз кишининг ҳасрати)

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ тўплади.

Жонли далил

Муҳаррир ёш мухбирни хузурга чақириб, узоқ бир туманга хизмат сафарига боришини тайинлади-да, ёзилмак мақола тарҳини обдон тушунтирди.

— Биласизми — деди у мухбирга, — сиз борадиган хўжалик жуда сертармоқ. Илоҳи борича куруқ қайтманг, бирор жонли нарсани олиб келинг.

Мухбир тушмагур эртаси кун хўжаликка бориб, бор далил-ҳужжатлар эгаси — китобни жон-ҳолига қўймай тахририятга олиб келди.

Шапка

Муҳаррир саҳифа тептасидаги "шапка"ни чизайтиб муҳаррирга тайинлади:

— Масъула котибга айтинг, шапкани ўзгартирсин. Муҳаррир ҳаял ўтмай масъула котибининг олдига кириб деди:

— Муҳаррир айтишлар, шапкангизни ўзгартирар экансиз. Менинг акам кийим-кечак дўқонида сотувчи, ўчмамингизни айтинг, ҳозирроқ ян-янгисини келтириб бераман.

Камтарлик

Туман газетасида уч-тўртта мақола босилган ҳаваскор мухбир тахририятга келиб, масалани кўндаланг қўйди.

— Ёзганларим газетанида элон қилинаётган бошқа мақолалардан қилишмайди. Мени ҳам ишга олсангиз. Лекин айтиб қўйи, катта мансабга ҳушим йўқ, менга бош муҳаррирлик ҳам бўлаверади...

Камгап шоир

- Шеър муҳлиси шоир дўстига деди:
- Биронга яхши шеърлариндан ўқиб бер.
- Яхшисини энди ёзишман.
- Бўлмаса, бошқа шоирлариникидан ўқиб бер.
- Утган шоирлардан ўқийми, янгаларидан?
- Янгаларидан.
- Қайси тилда бўлсин?
- Ўз тилимизда.
- Севи ҳақида бўлсинми, Ватан ҳақида?
- Ватан ҳақида бўла қолсин.
- Замонавий бўлсинми, тарихий?
- Замонавий.
- Газетанида босилганиданми, босилмаганидан?
- Охири муҳлисининг жонига тегиши:
- Бўлди. Бугунга шунчаси ҳам етади.

Ҳангомаларни
Аббасюмом МУҲАММАД тўплаган.

Ҳалолликка нима етсин

Яшаш, чинакам ҳаёт кечириш курашдан иборат. Ҳатто кўнғиз ва чумоли ҳам қишин-ёзин яшаш гами ҳаракатида бўлади. Биз уларни онгсиз ҳашарот вақиллари санаймиз. Лекин улар тириклик гамида ўзларидан ўн бара-вар катта емишларни уясига ташишдан, меҳнат қилишдан толиқмайди. Инсон ҳам бахтли яшашни учун курашиши, меҳнат қилиши шарт. Ҳаётда бепарволик, лоқайдлик ёмон оқибатларга олиб келиши шубҳасиз. Киши аввало, бахтли турмуш кечириши учун бурчини ҳис қилган ҳолда оиласига масъул бўлиши лозим. Бу вазифа эр-хотин зиммасига юкланади.

Турмуш қурган ёш оила аъзолари ҳалол ризқ билан ҳаёт кечиришга одатланмоғи, оила ташвишларини елкама-елка торти-моғи зарур. Бу билан аёл ҳам мол-мулк топиши ёки ишлаб келиши шарт ёки шарт эмас деган фикрни айтишдан йироқман, албатта. У биринчи навбатда оиланинг саранжом-сарришталлигига, болалар тарбиясига, эри топиб келган нарсаларни тежаб-тергаб ишлатишга масъул. Иброҳим (алайҳисалом) қиссаларида бир ибратли воқеа тасвирланган. Яъни, бир кун у киши ўғиллари Исмоил (а.с.)ни уйига излаб келадилар. Ўғлининг уйи эшигини бир аёл очар-очмасдан туриб: "Бу қандай одам? Нега эшикни тақиллатаверади? Одамни тинч қўядими, йўқми?", дейди. Эшик очилганда эса Иброҳим (а.с.) "Исмоил қаерда?", деб сўрайдилар. Аёл "билмайман" дейди яна кўполлик билан.

ёқимли овози эшитилибди. Кейин эшик очилибди. Аёл меҳмонга салом бериб, очик чехра билан қаршилабди. Иброҳим (а.с.) "Исмоил қаерда?", деб сўрайдилар. Аёл бўлса: "Овга кетган эдилар. Ҳозир келиб қоладилар, уйга кириб, меҳмон бўлинг", дебди. Иброҳим (а.с.) бўлса: "Менга узрли. Туядан тушмайман. Уйга ҳам кирмайман", дебдилар. Аёл бир зумда қосада овқат олиб келиб берибди. Бу аёлининг очик юзли, ширин сўзлилигидан хурсанд бўлибдилар. Сўнг аёлга "Мен энди кетаман. Исмоилга айтиб қўйинг, у уйининг эшигини тўғрилаб қўйибди. Энди эҳтиёт қилсин", дебдилар.

Исмоил (а.с.) овдан келганларида аёли бўлган воқеани айтиб, меҳмоннинг гапини ҳам унга етказибди. Шунда Исмоил (а.с.) "Уша келган киши менинг отам бўладилар. Унга сенинг ишинг ва муомаланг ёқибди. У киши шу хотинни маҳкам тут! Сенга вафолни тиргак бўлади, деган маънода бу гапларни айтган" дебди.

Ҳа, эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин, дейдилар. Шу боис йигит киши уйланаётганда масаланинг бу томонларини ҳам билмоғи зарур. Қолаверса, ҳар бир оиланинг иккита кўрғони бўлади: бири ҳалол, бири ҳаром. Ҳалол ризқ топиб, оила тебратилиши фарз дедик. Ҳалолни ҳам, ҳаромни ҳам мингта уради. Бир пақир тоза сувни бир томчи ифлос сув ҳаром қилади. Одатда минг, миллион сўмини ҳам бир сўм ҳаром пул бўлгайди. Оиладаги яхши-ёмонлик ана шу икки ҳолатга боғлиқ. Ҳалоллик оилага поклик, эзгу ишларга бахт-омад олиб келади. Ҳалолдан ризқланган болалар

имонли, виждонли, раҳм-шафқатли бўлишади. Ҳаромники эса бунинг аксидир.

— Солиқ идорасида ишлайдиган танишим бор, — дейди бир киши. — Ўртаҳол яшарди. У ерга ишга ўтди-ю, пулдор бўлиб қолди. Бир йил ўтмасдан машина сотиб олди. Яна бир йил ўтиб, янги ҳовлини бўлди. Хуллас, денг уч-тўрт йил орасида бойлар сафига қўшилди.

— Ундабурон, топармон-тутармон одам экан-да, — дедим мен.

— Ундай эмас. У одамларни кўрқитиб пул олар экан. Мана, Тўлқин акани олайлик, туманимизда у кишидан бой одам йўқ. Қўша-қўша машиналари, ҳовлилари бор. Одамларга қарз бериб, фоизидан янада кўп пул топапти.

— Муқаддас динимизда судхўрлик қораланади. Манбаларда айтилишича, судхўрликнинг олтимиш етти босқичи

бўлиб, унинг энг кичиги ҳам жуда оғир гуноҳ ҳисобланар экан.

— Сиз ҳақсиз. Аммо ҳозир судхўрлик ҳисобига кун кўраётганлар анчагина. Улар сиз айтган ҳаром, ҳалолни фарқлашмайди-да.

— Тўғри айтасиз. Билинги, ҳаром бойлик виждонни тешиб, имонни йўққа чиқариши аниқ.

Тани соғлиқ — туман бойлик! Бу — катта бахт. Бахтли турмушнинг асосий шартларидан бири, рўзғорга қирадиган ҳамма нарса ҳалол меҳнатдан топилган бўлиши керак экан. Ҳаромнинг касофати албатта, эгасига ёки фарзандларида уради. Бу уларнинг келажагига, бахтига ғов бўлади. Бахтли турмушнинг бу жиҳати оилаларда, ўқув масканларида эътибор берилса, ҳар бир ёш оила қўқилмасдан яшаб кета олади. Аслида бахтининг илдизи шу эмасми?

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ



...Рўзғорга қирадиган ҳамма нарса ҳалол меҳнатдан топишган бўлса, барақати бўлади.

Эл севган адибга юксак эҳтиром

Хар қандай ижодкор учун эл-юрт ҳурмат-эътиборида бўлиш энг улуг саодатдир. Бу бахтга чинакам истеъдоди, машаққатли меҳнати билан эришганларни халқимиз ҳеч қачон назардан четда қолдирмайди.

Ўзбек адабиётида миллий ва умуминсоний қадриятлар ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган забардаст адиб Пиримқул Қодиров ана шундай эъзога муносиб сўз санъаткоридир.


Адиб ўзининг салмоқли романлари, бир-биридан ширали қисса ва ҳикоялари, публицистик мақолалари билан халқимиз қалбидан жой олган.

Айни пайтда Пиримқул Қодировнинг юбилейига бағишлаб республикамизнинг таълим муассасаларида, маданият масканларида адабий-бадий тадбирлар ўтказилаётганиги алоҳида таъсирга сазовордир.

Ўзбекистон давлат консерваториясида яқинда адиб таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан адабий-бадий кеча бўлиб ўтди. Ижодий кечада ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият арбоблари, олимлар, талаба-ёшлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировга йўлаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Қахрамони, халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов ижод аҳли номидан устозга эҳтиром из-



ҳорларини билдираркан, адибнинг собиқ шўро мафқураси ва тазйиқларига қарамай, реал воқеаларга асосланиб ёзган "Юлдузли тунлар", "Авлодлар домини" сингари салмоқли асарлари тарихи хусусида тўлқинланиб гапирди.

Дарҳақиқат, адиб сўнгги ўн йил давомида ёзган "Она лочин влдоси" романида темурийлар даврини қаламга олган бўлса, асардаги Улугбек, Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг ёшлик давридаги жасорат ва истеъодлари китобхонларда катта таассурот уй-

ғотида.

Пиримқул Қодиров нафақат ўзбек адабиётини салмоқли асарлари билан бойитиб келмоқда, балки, адабиётшунос олим сифатида ўзбек тили ва адабиётининг илмий-назарий масалаларига бағишланган "Тил ва дил", "Халқ тили ва реалистик проза", "Тил ва эл" рисоалари билан ҳам тилшуносликка улкан ҳисса қўшди.

Бундан ташқари ёзувчи асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган, улар асосида бадий ва видеофильмлар суратга олинган. Бу ижод йўлидаги сермашаққат заҳматлари инобатга олиниб, Президентимиз Фармонига биноан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров "Эл-юрт ҳурмати" ва "Буюк хизматлари учун" орденлари билан мукофотланган.

Тадбирда сўзга чиққан Пиримқул Қодиров кейинги пайтда Юртбошимиз раҳнамолигида миллий адабиётимизнинг ривожланиши йўлида, ёзувчи ва шоирлар ижодини қадрлашга, уларнинг асарларини кенг тарғиб қилишга алоҳида рағбат ва эътибор қаратилаётганини жумладан, ўзига кўрсатилган юксак эҳтиром учун Президентимиз Ислам Каримовга ўз миннатдорчилигини билдирди. Кеча таниқли санъат усталарининг дилрабо қўшиқлари билан шукуҳли кечди.

Адиба УМИРОВА, «Hurriyat» мухбири.

Сени уйғотади овозим, созим

ВАТАН

Боғингда чечакман ёки бир япроқ,
Ё насим сингари кезувчи сабо.
Дарахтман, илдири сenga боғланган,
Ёки тушларингдан кечган қахрабо.

Ким бўлсам ҳам Ватан сенинг қизингман,
Бағрингда гуллағай баҳорим, ёзим.
Уфққа элтувчи ёруғ изингман,
Сени уйғотади овозим, созим.



ЯХШИ НОМ

Дунёда яшмоқ ўзи асли бахт,
Юракка ўт ёқар орзуу ҳавас,
Гоҳ чағир йўларда қоқилмай фақат,
Адашмай манзилга етиб олсанг бас.

Дунёда ўткинчи яхшию ёмон,
Кўнглини ёритсин бир умр илҳом.
Инсондан қолгайдир мангу бир калом —
Эзгулик, ҳидоят ҳамда яхши ном.

ЯНА

Яна кўзларимга кирдинг сездирмай,
Яна ҳайратларим ўзимга сифмас.
Яна хаёлларга бурканиб нетай,
Яна мен бедорман, бедилман бесас.

Ўйларимга сифмас боғлар хаёли,
Яна дунё оппоқ, орзулар оппоқ,
О, нақадар гўзал ёшлик айёми,
Яна тушларимда учаман узоқ.

Гўзал ХОЛМАТОВА,
Тошкент шаҳридаги
90-умумтаълим мактаби ўқувчиси.

ЎХАЁТИЙ ҲИКОЯТЛАР

БИРКАМ ЭМИШ...

Дўстим бор эрди, ўзи тақводор, кўп ўқиган, илми одам бўлган. Кўпинча гап ўртасида не учундур ҳаётдан нолиб "Эй беафо дунё" деб кўярди, гўё бу оламдан норозидек. Бир кун яна шу сўзини такрорлаган эрди, мен унга: — Дунёни нечун сен беафо дерсан, у сенга нима қилдики, ёруғ дунёдан тинмай нолийсан, дедим.

У жавоб бермай, индамай тураберди.

Кейин дедим: — Шукур кил, бекордан-бекорга уни беафо, бебақога чиқариб, қўйма. Ахир Аллоҳ бу дунёни шундай гўзал, саришта этиб яратганки, ҳамма нарса жой-жойида. Ҳаво, Сув, Қуёш — яна сенга нима керак? Булар ҳаётимиз манбалари, шуларнинг биттаси бўлмаса ёруғ дунё ҳам йўқ бўлар эди.

Бошқа суҳбатдошим бўлса, ҳадеб замондан нолийди.

Мен дедим, Худого минг бор шукурким, яхши яшаймиз, Истиқлол бизга она тилимизни, ўзлимизни, дину дёнәтимишни, миллий ифтихоримизни, қадим тарихимизни, барчасини қайтариб берди. Шунин билгилки, сен замонга боқмай, ўзингча эски даврларни кўсайсен, шунин билгилки, замонга боқмаган, сув ичинда олов қудирган нодон одамга ўхшар. Бундай одамлар назига жабр-жафо қилгай, эл-юрт тазаридан қолгай.

КАСБ ТАНАЛШИ

Бир кун оиламиз даврасида суҳбат куриб ўтирганимизда отам раҳматлик менга: "Сен йўл қурувчи бўлиб, бу жуда ҳам савоб иш эрур", деб қолдилар.

Мен отамнинг панд-насиҳатларини ўйлаб юрдиму, лекин ҳаёт ва тақдир мени бошқа йўлга бошлади, қаламкашлик касбини танлаб, журналист-ёзувчи бўлдим. Шу мўътабар касб туфайли йўл қурувчи бўлмасам-да, қалам ила, сўз сеҳри ёрдамида одамлар қалбига йўл топдим.

БАХТ БЕРИБДИ-Ю...

Себзор маҳалласида турганимизда бир мактабдош дўстим бўларди. У билан битта мағизни бўлиб ердик. Жилд кўтариб мактабга бирга бориб, бирга қайтардик. У мактабни битиргач, савдо соҳасига ўзини урди. Мен газета редакциясига ишга кириб кетдим. Иккимиз икки дунё кишиси эдик. У савдода ишлаб жуда кўп пул топиб бадавлат бўлиб кетди.

Дангиллама уй-жойлар, машина

Мақсуд ҚОРИЕВ

дейсизми, хуллас, егани олдида, емагани ортида эди. Бир кун ёшлигимиз, дўстлигимизни кўмсаб мени излаб уйимга келди. Кейин оилам билан унинг қутлуг хонадонига меҳмон бўлиб бордим. Шаҳарнинг энг гавжум жойига икки қаватли хашаматли уй солибди. Ҳовлиси ҳам катта. Яшаш хонасидан ташқари ҳовли чеккасида хўжалик ишлари учун алоҳида хоналар, ошхона, гараж қурилган. Янги машина ҳам олибди. Аммо шундай катта хонадонда икковлон, — эр-хотин яшар экан, фарзанд эса йўқ.

Борган заҳотимиз бизни бошлаб уйининг иккинчи қаватига олиб чиқди. Тепада саккизта хона, ҳаммаси шинам қилиб безатилган. Хоналарда ҳеч ким йўқ эди. Баъзи хоналарга одам зоти кирмаган. Чанг босиб ётибди.

— Фақат икковларинг яшайсизларми? — деб сўрадим.

У индамади, кўзига ёш олди.

Кечга томон оилам билан уйга қайтиб келдик. Бу давлат, хашаматли уй-жой, даб-дабали нарсалар, кўш-кўш машиналар не учун. Аллоҳ давлат берибди-ю, озгина бўлса ҳам бахт ато этмабди-да, деб унга ачиндим.

ТўРГАЙЛАР

Сўфи тўрғай деган чиройлик бир қушча бор. Айни баҳор кезлари узоқ ўлкалардан она диёримизга учиб келиб лолақизғалдоқлар қийғоз очилганда пайдо бўлади. Агар эътибор берсангиз ана шу жажжигина қушнинг сайраши ҳам ёқимли кўшиққа ўхшайдур. Унинг ҳаёт тарзини синчковлик билан кузатиб турсангиз ўзи ўт-ўланлар ичинда ризқ-рўз ахтариб зарарли хашаротлар билан тамадду айлайди, кейин қуйлагандек сайраб-сайраб осмон заминга кўтарилиб кетаверади, мўлжалга етган бирдан гўё тошдек бўлиб, ерга қайтиб тушади.

Ривоятларга қараганда тўрғай осмонга кўтарилаётганда Аллоҳнинг тўқсон-тўққиз номини айтиб-айтиб, охиригисини унутиб қўяркан, кейин яна аввалгидек тош бўлиб ерга қайтиб тушар эмиш. Ана шу жараён ҳар кун, ҳар соат бир неча бор такрорланавераркан.

Болалигимда онам айтиб берган ана шу ривоят ҳеч ёдимдан чиқмайди. Қачонки баҳор айёми дала боғимга чиққанимда тўрғайларнинг сайраши, хатти-ҳаракатига маҳлиё бўлганча ҳавас билан кузатиб тураман. Аллоҳга шунчалик меҳр қўйган жажжи қушларга ҳавасим келади.

Чидаяганга чиқарган

Қишлоғимиз тўйлари жуда ажойиб ўтади-да. Кўшни қишлоқ йигитлари ҳам бизнинг базмларга жуда ишқибоз. Юракка жўшқинлик бахш этувчи куй-қўшиқлар кишиларнинг шодлигига шодлик қўшса, ҳар доимгидек "шайтон суви" даврадагиларни, айниқса кувёв жўраларни "шер"га айлантириб қўяди. Бундай пайтда давра қизигандан қизийди. Аммо айни тўйнинг қизиган палласи қиз-жувонлар секингина уй-ўйларига тарқала бошлашади. Кўзлари уйкуга тўла қишлоқ оқсоқоллари эса негадир кетиш ҳақида ўйлашмайди ҳам. Улар нимаданандир безовталанаверишади-безовталанаверишади. Чунки бу ёғи ҳақиқий "шерлар жанги"га айланиши шубҳасиз. "Шароб ичиш такаллуф билан бошланиб, муштлашиш билан тугайди", деган нақл нақадар ростлиги шу ўринда исботини топа бошлайди. Боягина бир-бирига жонини ҳам фидо қилишга тайёр йигитлар ёқалашганда маҳалла оқсоқолларининг ҳам тунни бўйи уйқуси қочиши турган гап. Қизиги, мен эсимни таниганимдан




бери тўйлар доим шу "сценарий" асосида ўтади. Балким мен туғилмасимдан аввал ҳам шу "одат" бордир, аммо бу сценарий муаллифи бизнинг қишлоқдошларимиздан эканлигига ишонмайман. Мен билган ҳақиқат эса қишлоғимизнинг энг кекса авлоди — 103 ёшли Бегимқул бобо сўзи билан айтганда "Ичишни ҳам, чекишни ҳам чидаяганга чиқарган. Шароб ичиб шер бўлгунча, ичмай туриб, тамаки чекмасдан йўлбарсдай яшаган яхши".

Оловуддин ҚУТБИДИНОВ

РАССОМ ХАНДАСИ



— ҲАБЕБ СЎКИНАВЕРМАНГ, БЕМОР, ТАЛАБАМАР ҲАЛИ ЁШ...



ЖАНГ ҚОЛДИРИЛИШИГА ҚАРШИ

Шу йилнинг 13 декабри кун Германиянинг Мангейм шаҳрида IBF ва WBO йўналишида оғир вазнда жажон чемпиони ҳисобланган украиналик боксчи Владимир Кличко ва россиялик боксчи Александр Поветкинлар ўртасида жанг ўтказилиши режалаштирилган эди. Бирок, бу учрашувга тайёргарлик қўраётган россиялик спортчи машгулотлар пайтида оёғини қайириб олиши оқибатида икки чарм кўлпоқ устаси ўртасидаги муштлашув бироз муддатга қолдирилди. Бу эса Владимир Кличкога ёқмайпти. Украиналик боксчининг ҳуқуқшуноси Шелли Финкелнинг айтишича, учрашув айнан шу йил 13 декабрь кунини бўлиб ўтиши керак. Агарда қолган вақт мубоинада Александр Поветкин жанг қилишга тайёр бўлмаса, Владимир Кличко ўзига бошқа рақиб топади ва ҳозирда спортчи бир қатор таниқли боксчилар — Александр Димитренко, Крис Арреола, Олег Маскаев ва Хасим Раҳманлар билан музоқаралар олиб бормоқда.

МАРАТ САФИН

Россиялик теннисчи Марат Сафин яқин орада катта теннисдан кетиши мумкин. Бу ҳақда спортчи айни кунларда Парижда бўлиб ўтаётган «Мастерс» турнири доирасида аргентиналик Хуан Монакосга қарши ўтказган учрашувдан кейин журналистларга интервью берган. Жумладан, "Мен бу хусусида яна бир бор ўйлаб қўришим керак. Агар теннис уйнашга иштиёқим бўлса, фаолиятимни давом эттираман. Мабодо бунга қўзим етмаса ҳаммасига нукта қўяман. Ҳозирча эса дам олоқимман", дейди у оммавий ахборот воситалари ходимлари билан мулоқот чоғида.

Эслатиб ўтиаяки, Хуан Монакос мазкур мусобақада Марат Сафинни 6:0, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратган.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: